



O'zbekiston Nogironlar Assotsiatsiyasi nashri

IMKONIYAT

● Ijtimoiy-siyosiy, huquqiy va madaniy gazeta ● t.me/imkoniyyatgazetasi ● № 6 son (6) ● 2024 yil 20 mart ● chorshanba

ОЛАМ НУРГА ТЎЛСИН СЕН БИЛАН, НАВРЎЗ!



● Давра суҳбати МАЪРИФАТЛИ ОНА ВА ОДОБЛИ ҚИЗ – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ



Аёллар оиланинг асосий суянчи ҳисобланади. Фарзандлар, айниқса, қизлар тарбиясида аёлларнинг ҳиссаси беқиёс. Маҳаллаларда оилаларни мустаҳкамлаш, маърифатли жамиятни қуришда, айниқса, ёш қизларда оилага ва ватанга садоқат, фидойилик, ташаббускорлик туйғуларини сингдиришда аёлларнинг роли доимо катта бўлиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 августдаги "Оқила аёллар" ҳаракати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 437-сонли қарори билан иш бошлаган фидокор хотин-қизлар жамиятимизда "одобли қиз" ва "маърифатли она" деган номга муносиб инсонларни тарбиялаш борасида фаоллик билан тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Яқинда Тошкент вилояти "Оқила аёллар" ҳаракати жамоатчилик тузилмаси томонидан бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарактлар гуллашидан мевалар етилгунча, ҳайвонларда насл вужудга келгунча давом этадиган вақтда келди. Шунинг учун Наврўз оламининг бошланиши ва яратилишига далил қилинган".

Наврўз байрамининг пайдо бўлиши ҳақида Абдулқосим Файрадавсийнинг "Шохнома" асарид ҳам маълумотлар келтирилади. Унда таъкидланишича, Наврўз ярим афсонавий шох Жамшид номи билан боғлиқ бўлган, яъни Жамшид подшоҳлик тахтига ўтирган кун Наврўз деб аталган экан. Умуман олганда, бу тўғрисида ривоятлар кўп. Форс авомларининг одатларида кўра, улар Наврўз кечаси ўт ёқиб, эртаси эрталаб кўчаларга сув сепар эканлар.

Инсонлар қадим-қадимдан янгидан иш бошлашни хайрли бўлишига умид боғлашган ва биринчи қадамни шодлик ва хуррамлик билан нишонлашга одатланганлар. Шунинг учун ҳам бутун олам ўзининг янги ҳаётини бошлаётган бир пайтда нишонланган Наврўз янгиланиш байрами бўлиб келган.

Шуни айтиш керакки, қадимдан халқ орасида байрамнинг ўз кийимлари, таомлари, кўшиқлари, ўйинлари ва ҳатто уни ўтказишнинг ўзига хос тартиб-қоидалари бўлган. Бу байрамни қарийб барча Шарқ халқлари доим бир пайтда нишонлаб келганлар.

(Давоми 2-бетда).

● Тадбир КУЙ-ҚЎШИҚЛАР ЯНГРАГАН ДАВРА

Баҳор байрамлар билан шуқуҳли. Аслида, кўклам табиатнинг жонли байрами ҳисобланади. Бугунги кунда 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами Наврўз билан улашиб кетмоқда.



Ўзбекистон Кўзи Ожизлар жамияти Тошкент вилоят бўлими томонидан 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан, шаҳар, туман раислари ва ходимлари иштирокида байрам тадбири ўтказилди.

Тадбирни кириш сўзи билан ЎзКОЖ Тошкент вилоят бўлими раиси Замира Раҳимова очиб, меҳмонларни байрам билан табриқлади.

Байрам тадбирида Ўзбекистон драма театри актрисаси Доно Бобоқонова ҳамкасблари билан саҳна кўринишлари ижро этди. Актёр ва продюссер Аҳад Қаюм ўзининг қаламига мансуб шеърларидан ўқиб, байрам иштирокчиларини хушнуд этди.

Байрам иштирокчилари даврада қизиқарли ўйинлар ташкил этдилар, савол-жавоб тадбирлари ўтказилди. Йиғилишда ёш хонандаларнинг куй ва кўшиқлари рақсларга улашиб кетди.

Тадбир якунида ЎзКОЖ Тошкент вилоят бўлими томонидан йиғилиш иштирокчиларига совғалар топширилди.

Амалья СОЛИЕВА.

● Дил изҳори ИСТИҚЛОЛНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ НАВРЎЗИ

Жонажон Янги Ўзбекистонимизга фасллар келинчиги – Истиқлолимизнинг ўттиз учинчи баҳори кириб келди. Яшариш ва янгиланиш, меҳр-муруват, тинчлик ва эзгулик рамзи – Наврўзи олам инсонлар қалбига сурур, мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасига қувонч олиб кирмоқда. Наврўз – аҳиллик, эзгулик, меҳр-оқибат, гўзаллик ва нафосат, тинчлик ва дўстлик, муруват ва хайру савоҳат айёми бўлгани боис, ҳар йили бу кунни катта ҳис-ҳаяжон, ўзгача интиқлик, ўзгача соғинч, ўзгача интилиш билан қарши оламиз.



Юртимизда Наврўз шуқуҳи кезиб юрган айни кунларда табиат билан янада яқинроқ ва уйғун бўлишга, ён-атрофимиздаги инсонларга, оиламизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ меҳр ва эҳтиром кўрсатишга интиламиз. Кўмакка муҳтож инсонлар, нуруний отахону онахонлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва кам таъминланган оилалар ҳамда бемор ётганларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга кўмаклашиш каби халқимизга хос фазилатлар жамиятда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиради. Бундай эзгу ишлар, хайрия тадбирлари ва ҳашарлар ўтказилиши миллий қадриятларимизнинг юксак ифодаси бўлиб, Наврўз тенглик, дўсту биродарлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик ҳамда эзгулик байрами эканлигидан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).

● Юртим гулга бурканур бу дам ЗАМИН УЙҒОНМОҚДА, КЕЛМОҚДА НАВРЎЗ

Аввал юрагингга мўралайди у,
Сўнгра қуртакларга ўргатади сўз,
Заминнинг кўзидан қочади уйку.
Демак, баҳор келди, келмоқда Наврўз!

Юртимизга баҳор ташриф буюрди. Мудраб ётган она табиат, уйқусини тарқ этиб, яшил либос кийди ва оппоқ ҳарир ўрик гуллари кўзларни қувонтира бошлади. Халқимиз минг йиллардан буён шарқона янги йил сифатида шоду хуррамлик билан нишонлаб келаётган Наврўз биз учун энг суякли, энг азиз байрамга айланган. Асрлар давомида халқимизнинг доғишмандлигидан куч-қудрат олган, миллий маънавиятимизни юксакликка кўтарган улғу айём – хонадонлар, қишлоқ ва маҳаллаларга, серфайз юртимизга осуда ҳаёт, баҳорий қувонч, ҳалол ризқ-насиба олиб келадиган гўзал шодиёна сифатида қадр топган.

Миллий ўзлгимизнинг ажралмас қисмига айланган Наврўзнинг қуёш ҳамаи буржиги кириши, кеча ва кундузнинг узая бошлаши, табиатда жонланш юз бериб, баҳор келиши билан боғлиқ эканини қанчадан-қанча алломаларимиз илмий асослаб берган. Умар Хайём "Наврўзнама" асарид бу шодиёнани нишонлашнинг ўзига хос тартиб-таомиллари шаклланган, оддий одамлар орасида ҳам уй-жойларни тозалаш, тартибга келтириш, гул ва қўқатлар билан безаш, ота-она ва бошқа қавму қариндошлар билан дийдор кўришиш, марҳумлар қабрини зиёрат қилиш каби удуллар мавжуд бўлганини қайд этган.

Жамиятда жисмоний имконияти чекланган инсонларнинг эркин ҳаракатланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш уларга гам-хўрликнинг энг муҳим нукталаридан бири ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция"сининг 9-моддасида "Давлатлар ногиронлар мустақил турмуш кечириш ва турмушининг барча жабҳаларида ҳар тарафлама иштирок этиш имкониятига эга бўлиши учун ногиронларнинг бошқалар билан тенг равишда жисмоний муҳитдан, транспортдан, ахборот ва алоқадан, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимидан ҳамда шаҳарларда ҳам, қишлоқ жойларида ҳам аҳоли учун очик ёки тақдим этиладиган бошқа объектлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш учун зарур чораларни кўради" дея таъкидланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 12 январдаги "Ўзбеки-



Аслида, байрам ва сайиллар барча халқларда бор. Улар ўша халқнинг тарихи, миллий этник хусусиятларини буй-баси билан кўрсатадиган муҳим бир кўзгу ҳисобланади. Турли анъаналар ва қадриятлар ичида Наврўз ўзига хослиги билан ажралиб туради. Наврўз макон ва замонни муштарак этган, табиатдаги ўзгаришларни ўз ичига олган байрамдир. У байрамлар ичида тарихи энг узун қадриятлардан биридир.


Наврўз эски қуёш календарини ҳисобида фарвордин ойининг бошланишига (ҳозирги 22 мартга) тўғри келган. Бу кун "кичик Наврўз" деб аталган ва бу кундан бошлаб табиатдаги ҳамма нарса амалга қиради, деб ҳисобланган. Беруний "Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар" номи китобида "кичик Наврўз" фарвордин ойининг олтинчи кунига ҳамаи этанлигини таъкидлайди. Демак, фарвордин ойининг олтинчи кунини "Катта Наврўз"нинг моҳиятини бевосита

● Жамоатчилик назорати ТЎСИҚСИЗ МУҲИТ, АЛБАТТА БАРҚАРОР ЭТИЛАДИ

Ушбу мониторингда Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси вилоят худудий бўлими раиси Лейла Сафаева, тўсиқсиз муҳит яратиш бўйича мутахассис Сирожиiddин Жўраев, ҳисобчиси Т. Зойиров иштирок этдилар. Жамоатчилик назорати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 21 октябрдаги "Шаҳарсозликда ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини таъминлаш ҳамда барча ижтимоий инфратузилма объектларини улардан монеликсиз фойдаланиш учун мослаштириш тўғрисида"ги қарорининг 6-банди талаблари асосида амалга оширилди.

Ушбу мониторингда Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси вилоят худудий бўлими раиси Лейла Сафаева, тўсиқсиз муҳит яратиш бўйича мутахассис Сирожиiddин Жўраев, ҳисобчиси Т. Зойиров иштирок этдилар. Жамоатчилик назорати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 21 октябрдаги "Шаҳарсозликда ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини таъминлаш ҳамда барча ижтимоий инфратузилма объектларини улардан монеликсиз фойдаланиш учун мослаштириш тўғрисида"ги қарорининг 6-банди талаблари асосида амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда).



(Давоми 2-бетда).

● Табрик

МЕҲР ВА МУРУВВАТ АЙЁМИ

Мустақиллигимиз шарофати билан ўзбек халқининг маънавий ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. Умуминсоний миллий ва маънавий қадриятларимиз тикланди. Янги Ўзбекистонимизда умрбоқий аъёнларни эъзозлашга, миллий қадриятларини тиклашга қаратилган давлат сийосати тўғрисида манба неча йиллардан буён Наврўзи оламни умумхалқ байрами сифатида кўтаринки руҳда нишонлаб келяпимиз.

Маълумки, байрамлар нафақат кишиларни бирлаштиради, балки халқни, миллатни жипслаштиради. Бир ҳудудда яшаётган инсонлар миллати, ижтимоий келиб чиқиши, ёши, диний эътиқоди, мавқеи, касб-кори қандайлигинан қатъи назар байрам арафасида ва байрам тантаналари жараёнида маънавий-руҳий жиҳатдан бирлашадилар.

Наврўз – буюк аждодларимиздан, узок ўтмишимиздан бизларга мерос қолган бахор шодиёнаси, дўсто биродарлик, аҳилик-ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, гўзаллик ва нафосат, тинчлик ва дўстлик, мурувват ва хайру саховат байрами. Азал-азалдан аждодо авлодларимиз бу мунаввар байрамни бунёдкорлик байрами деб билган. Уни ерга дон сочиб, кўчат экиб, ариқ-зовур қазиб, қўшқай айтиб кутиб олган, улуғлаган. Шу тарихга Наврўз йилнинг боши, фаслларнинг алмашиши, тун билан куннинг тенг бўлган, табиат янгиланадиган, деҳқоннинг меҳнат мавсуми бошланадиган пайт. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз Наврўз сайли билан бир-бирларини та-

риқлашган, эзгу тилаклар билдиришган. Байрам уюмларини кам-кўстисиз амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилишган.

Бугун мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борманг, байрамни умумхалқ сайиллари шаклида "Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!" шори остида кўтаринки руҳда ўтказилаётганлигига гувоҳ бўляпмиз. Бу йилги Наврўз байрами муқаддас Рамазон ойида нишонланмоқда. Шунинг учун бизнинг ЎзНА Хоразм ҳудудий бўлими аъзолари кекса авлод вакилларини, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат fronti фахрийларини ҳар томонлама эъзозлаш, "Меҳрибонлик", "Саховат" ва "Мурувват" уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий ғимоя дафтаридаги киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, улар учун дастурхонлар ташкил этиш ҳамда турли хайрия тадбирларини бекаму кўст амалга ошириш чораларини кўрмоқдалар.

Дарҳақиқат, жамиятимизда инсон қадрни юк-

талиб, бебаҳо бойлигимиз – еримиз, сувимиз ва табиатимизга, шу борадаги неча минг йиллик аъёнларимизга эътибор кучайиб бораётган мамлакатимизда бу байрамнинг ҳаётиимиздаги ўрни ва ахамияти янада ортиб бораётгани бизни беҳад қувонтирмоқда.

Бизнинг вилоятимизда сўнгги йилларда ногиронлиги бўлган инсонлар манфаатларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ногиронлиги бўлган шахслар учун барча шароитлар яратилмоқда. Авваламбор, уларни иш билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилган. Айниқса, тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиқидида бўлган ногиронлиги бўлган шахсларга кредит олишда, офис билан таъминлашда яқиндан ёрдам бераймиз. Ногиронлиги бўлган тадбиркорлар ишлаб чиқараётган махсулотларни сотишда ҳам кўмаклашяпмиз. Уйда ўтириб қолган, ишсиз ногиронлиги бўлган йигит-қизларни касб-хўнарга ўқитиш, уларнинг саводхонлигини ошириш борасида ҳам талайгина ишлар амалга оширилди. Ишчи гуруҳ томонидан ўтган йили 290 та маъмурий биноларда мониторинг ишлари олиб борилди. Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш борасида ташкилотимиз томонидан "Имкон" кўтилари лойиҳаси таъсис этилди. Ташкилотимизга ўтган йили



қилинган 27 та муқожаатларнинг ҳаммаси ижобий ҳал этилишига эришганмиз. Мавриди келганда айтиш керакки, ўз-ўзини банд қилиш мақсадида ҳозиргача асоб-уқсуна харид қилиш учун 224 нафар ногиронлиги бўлган ёшлар субсидия олишган. Бизнинг жамоамиз бу йилги Наврўз байрами учун режалаштирилган барча тадбирларни бекаму кўст ўтказиш чораларини кўрмоқда.

Шарқона Янги йиллимиз – Наврўзи оламнинг қадами кўтлуг ва баракали келсин. Мана шу ҳаяжонли кунларда азиз Ватандошларимизга сиҳат-саломатлик, бахту омад, оилаларига тинчлик-хотиржамлик, хонадонларига фойиз ва барака тилаймиз.

Қадам ХУСАЙНОВ,
ЎзНА Хоразм вилоят ҳудудий бўлими раиси.

● Дил изҳори

ТАБИАТНИНГ КЎРКАМ МАВСУМИ

Жонажон Ўзбекистонимизга ҳаммамиз интиқ бўлиб кутган яшариш ва янгилиниш байрами бўлган Наврўзи олам кириб келмоқда. Халқимизнинг энг қадимий тарихи, ўзи маданияти ва эзгу қадриятларини бўйда муҳажжас этган Наврўзи олам минг йиллар давомида маънавий ҳаётиимизнинг ажралмас қисмига айланган. Аждоду авлодларимиз бу қадимий айёмни қандай пок ният ва эзгу умидлар билан кутиб олган бўлсалар, бугунги кунда ҳам халқимиз эзр кўтаринки кайфият билан Наврўзга пешвоз чиқмоқда.



Зорий йилги Наврўзи умумхалқ байрами юртимизда "Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!" деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳ ва юкори даражада нишонланмоқда. Маълумки, Наврўз арафасида ҳар бир ҳудудда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш, ҳашарлар уюштириш аъён тусини олган. Ҳар йилгидек бу йил ҳам вилоятимизнинг ҳар бир гўшасида ана шундай хайрли ва савобли ишлар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Наврўзнинг ўлмас руҳи ва боқий фалсафаси биз бугун бунёд этаётган Янги Ўзбекистон ғояси билан ғоят уйғун ҳамда ҳамоҳангдир. Наврўзи оламнинг маъзам-моҳиятида инсонни улуғлаш, унинг қадрни, иззат-ҳурматини жойига қўйиш каби эзгу фазилатлар муҳажжас. Наврўз ўзининг буюк қудрати билан она табиятини уйғотса, республикамиздаги кенг ислохотлар эса жамиятни, халқимизнинг онгу тафаккури, беқийс салохиятини уйғотмоқда. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар ва ўзгаришлар ҳар кунимиз Наврўз бўлишига, яъни, юртимиз обод, халқимиз турмуши фаровон ва гўзал бўлишига қаратилган.

Айтиш жоизки, ўзаро меҳр-оқибат, саховат, мурувват кўрсатиш, табаркур ёши улуг кексаларни йўқлаш, ногиронлиги бўлган шахслар, кўмакка муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш каби савобли ишларимиз Наврўзи оламнинг фойизига янада фойиз қўшмоқда. Байрам муносабати билан Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси Наманган вилоят ҳудудий бўлими аъзоси Ўзбекистон "Veteran" жангчи-фахрий ва ногиронлари Бирлашмаси Наманган вилоят бўлимининг жамоамиз ҳам ҳудуддаги жангчи-фахрийлар ҳамда ҳалок бўлган жангчиларнинг уйларига бориб, уларнинг муаммоларини ўрганиб, совға-саломлар билан йўқламоқда. Шу билан биргаллик, вилоят бўлимининг Афғонистон ва бошқа чегараланган ҳудудлардаги ҳарбий ҳаракатларда шитроқ этган Ўзбекистон жангчи-фахрийлари, уруш ногиронлари ва ҳалок бўлган жангчиларнинг оила аъзоларини ижтимоий жиҳатдан ғимоялаш бўйича давлат дастурларини амалга ошириш, уларнинг тиббий ва руҳий жиҳатдан соғломлаштириши ва реабилитациясини таъминлашда ёрдам



Икромжон КАРИМОВ, ЎзННТМА Наманган вилоят ҳудудий бўлимининг бошлиғи.

кўрсатиш, ёш авлоднинг Ватанга садоқат ва муҳаббат, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, ҳарбий хизматга тайёрлашда кўмаклашмоқда.

Тўю тантаналар, байрамлар тинч ва осойишта юртга ярашади, албатта. Ҳозирги кунда дунёнинг бир қатор минтақаларида, уруш ва жанжаллар, нотинчликлар давом этаётган бир вазиятда, мамлакатимиздаги тинч ва осуда ҳаёт, хотиржамлик қадрини янада тараққий қилиш эҳтимолдир. Нуроний отахону онахонларимиз ҳамда ёшларимиз, хуллас, барча-барча тинч ва фаровон турмушимизга шурқона айтиб, эртанги кунга мустаҳкам ишонч билан қарамоқда. Илоҳим осмонимиз мусоффо, юртимиз тинч бўлсин! Баҳор фасли ва табиат уйғонишининг тимсоли, маънавий ва маданий ҳаётиимизнинг ажралмас қисми бўлган Наврўзи олам ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга, жонажон Янги Ўзбекистонимизга тинчлик-омонлик, шодлик ва фаровонлик, фойзу барака, бахт-саодат олиб келсин!

Хуснитдин ДЖАМАЛОВ,
Ўзбекистон "Veteran" жангчи-фахрий ва ногиронлари Бирлашмаси Наманган вилоят бўлими Кенгаши раиси.

ЭЪЗОЗУ ЭЪТИБОР АЖДОДЛАРИМИЗДАН МЕРОС

бир софдил инсон учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Кейинги йилларда юртимизда аҳолининг ижтимоий ғимоясига алоҳида эътибор қаратилиб, ижтимоий хизмат турлари ва кўлами кенгайтириб келинмоқда. 2023 йил 1 июнда Ўзбекистоннинг "Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинган эди. Ана шу Фармонга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ғимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Шунингдек, жорий йилнинг 20 февраль кунини Президентимиз раислигида ижтимоий ғимоя соҳасидаги устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Унда Давлатимиз раҳбари ногиронлиги бўлган инсонлар манфаатларига алоҳида эътибор қаратиб шундай деди: "Ўзбекистон 2021 йилда "Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция"га қўшилган. Бундай шахсларни ишга олган корхона ва ташкилотлар учун бир қатор имтиёзлар берилган. Лекин кўп муассасалар, кўчалар ва бекатлар имконияти чекланган шахслар ҳаракатланиши учун мослашмаган. Мактаб ва коллежларда ша-

роит йўқлиги сабабли ота-оналар ногиронлиги бор фарзандини ўзоқдаги махсус интернетта жойлаштиришга мажбур. Бу оила учун, айниқса, бола учун жуда огир. Шу боис, энди ногиронлиги бўлган шахсларни қўчиш, шига жойлаш ва спортга жалб қилиш бўйича миллий тизим бўлади. Ногиронлиги бўлган шахсларга ишлаш ва касб-хўнарга ўқишда тўсиқсиз муҳит яратиш учун уларнинг "меҳнатга лаёқатини белгилаш" амалиётидан воз кечилади. Бунда ногиронлик касалликка қараб эмас, балки шахснинг мустакил ҳаракати, мулоқот қобилияти ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокига қараб белгиланади".

Бундан ташқари, йиғилишда Ўзбекистонимизда марказий шифохоналарда тиббий реабилитация хоналари ташкил этилиши, протез-ортопедик вазиталари 18 турдан 30 турса этиказили, бино ва иншоотларни куриш лойиҳаси ногиронлиги бўлганлар учун қўлай муҳит яратилганлиги бўйича ҳам мажбурий экспертизадан ўтказилиши, жамоат транспорти, бекатлар ва чорраҳаларда тўсиқсиз муҳит яратиш чоралари қўрилиши, ҳодимларнинг 50 фоизидан ногиронлик бўлган тадбиркорларга давлат буюртмачилари билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш имконияти берилиши ва бошқа кўплаб енгилик-

лар ва янгиликлар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Бугунги кунда бизнинг Бухоро вилоятимизда ҳам ижтимоий ғимоянинг янги тизими инсон қадрини таъминлашга хизмат қилмоқда. Айни кунларда вилоятимизнинг қайси бир гўшасига борманг, эзгу ишларнинг гувоҳи бўласиз. Айниқса, бизнинг бўлимининг жамоаси Наврўз байрамига пухта ҳозирлик қўрған. Ҳудудимизда истикомат қилаётган кўмакка муҳтож ногиронлиги бўлган инсонларни ёлғизлаштириб қўймаймиз, уларнинг кўнглини олиш учун бор имкониятлардан фойдаланамиз. Ҳомийлар билан биргалликда уйда ётиб қолган беморлар, ногиронлиги бўлган инсонлар ҳолидан хабар оляпмиз ва шу билан биргалликда уларни ҳақ-ҳуқуқларини тушунтириб, янгиликлар билан таништирмоқдамиз. Айтаверсак гап кўп. Берилган имкониятдан фойдаланиб, энг қадимий ва миллий байрамимиз – Наврўзи айём билан барча юртдошларимизни муқоробод этамиз. Тинчлик ва ободлик рамзи – Наврўзи олам муносабати билан барча Ватандошларимизга куч-ғайрату шижоат ва мустаҳкам соғлик тилаймиз.

Дилшод КАМОЛОВ,
ЎзНА Бухоро вилоят ҳудудий бўлими раиси.

ХУШ КЕЛИБсан НАВРЎЗИ ОЛАМ

Она дийримизга Наврўзи олам кириб келмоқда. Наврўз байрами яшариш ва янгилиниш, хайру саховат айёмидир. У ўзида минг бир тарихий муҳажжас этган, инсонларни меҳр-мурувватга, дийнатга бошлаган, адолат ва инсонийлик тамойилини намойиш этган кўтлуг байрамдир. Демак, Наврўз умумхалқ байрами, бегубро туйгулар ва кўнгилар айёми. Ўзбек халқ оғзаки ижодийтидан то илк эъза ёдгорликларимизгача, эъза ёдгорликларимиздан то бугунги шеъримизга қадар ҳамиси баҳор ва Наврўз бежизга улуглиниб келинмаган. Бугунги кундаги Наврўзнинг буюк инсонпарварлик моҳияти, ўлмас ғоялари, одамзотни тинчлик ва дўстликни қадрлаб, ўзаро аҳилик ва ҳамжиҳатликка яшашига, ҳаётни янада гўзал ва обод қилишига ундайдиган бунёдкорлик руҳи ва фалсафаси ер юзидagi турли халқларнинг олижаноб интилишларига ҳам ғоят уйғун ва ҳамоҳангдир.

Бугунги кунда вилоятимизга ташриф буюрган киши, Наврўзи айёмига катта тайёргарлик қўрилганлигининг гувоҳи бўлади. Умумхалқ сайиллари уюштирилаётган асосий майдонлар, кўча ва хибьонлар миллий услубда байрамона безатилган. Ўтказилаётган умумхалқ сайилларида маҳаллий фольклор гуруҳлари, бадий ҳаваскорлик жамоалари, дорбозлар, оилавий ансамбллар, шорири ёзувчилар, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган таниқли санъаткорлар ҳамда истеъдодли эстрада артистлари беминнат хизмат кўрсатишмоқда.

Яшариш, янгилиниш ва юксалишларни асрлар давомида тўла намоён қилиб келаётган Наврўзи олам кўнгиларга илиқлик ва эзгулиқни ҳам олиб келади. Шундан бўлса керакки, Янги Ўзбекистонимизда Наврўз байрами кунларида халқимиз хайру саховат қилишига шошилади. Бу каби эзгу ишларга бой бўлган билан Наврўзи олам ўзига хос ва бетакор байрамдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2024 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёр-

гарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Унда кўрсатилганидек, байрам муносабати билан бу йилги Наврўз байрами муқаддас Рамазон ойида нишонланишини инобатга олиб, кекса авлод вакилларини, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат fronti фахрийларини ҳар томонлама эъзозлаш, "Меҳрибонлик", "Саховат" ва "Мурувват" уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий ғимоя дафтаридаги киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, улар учун дастурхонлар ташкил этиш ҳамда турли хайрия тадбирларини амалга ошириш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, республикамизнинг барча ҳудудларида, кўча, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига қаратилган умумхалқ ҳашарлари ўтказилмоқда. Шунингдек, жамиятимизда ҳўк-сараётган миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳа ва акциялар уюштириш, юртимизда истиқомат

қилаётган турли миллат ва элат вакилларининг Наврўз байрамидининг руҳи ва фалсафасига уйғун бўлган урф-одат, аъёна ва қадриятларини кенг намойиш этиш, байрам тадбирлари давомида ҳунармандчилик кўрғазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақаларни ўтказиш, китоб кўрғазмалари, арзонлаштирилган кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари, кўча савдо дўконларини ташкил этиш, кўлама таомларини тайёрлаш ҳамда уларнинг кўрғазма-савдолари ва танловлари ҳам уюштирилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда бир неча минглаб нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият олиб борамоқда. Очигини айтадиган бўлсак, бугунги кунда нодавлат жамоат ташкилотларини жамиятимизда тобора ҳал қилувчи кўча айлиниб бораётганининг туб моҳиятида айнан "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қўнун доирасида ётган ғоя ва мақсадлар тузилиб, десак муболага бўлмайдди. Бизнинг ЎзННТМА Наманган вилоят ҳудудий бўлимининг ҳам ўз фаолиятини ана шу қўнун доирасида олиб бориб дуруст натижаларга эришмоқда. Бугунги кунгача бўлинимизга аъзо бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлар сони 150 тага етди. Яқинда ЎзННТМА вилоят ҳудудий бўлимининг ташаббуси билан ДХХ ва Адлия бۆшқармалари билан ҳамкорликда "Коррупцияга қарши курашишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва давлат органлари билан ҳамкорлиги" мавзусида вилоятда фаолият кўрсатувчи давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ОАВ вакиллари иштирокида семинар



ўтказилди. Шунингдек, вилоятда фаолият юритаётган давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида 12 та меморандумлар имзоланди. Бундай тадбирларни санавйерсак охирига етиш қийин. Мана шундай шуқули кунларда имкониятдан фойдаланиб, азиз юртдошларимизнинг яшариш ва янгилиниш, меҳр-мурувват, тинчлик ва эзгулик рамзи – Наврўзи байрами билан самимий муқоробод этамиз. Баҳор айёми барчамизга мустаҳкам соғлик, тинчлик ва омонлик, оилавий бахт, қалбимизга хушнудлик ва чексиз қувонч олиб келсин! Байрам кайфияти ҳар биримизни йил давомида тарқ этмасин!

Икромжон КАРИМОВ,
ЎзННТМА Наманган вилоят ҳудудий бўлимининг бошлиғи.

● Матонат

МАҚСАД АНИҚ БЎЛГАНДА...

бўлса-да, саломатлиги тўлиқ изга тушган, ҳар бир кунни изланишлар билан, қалби катта орзулар билан лиммо-лим эди.

У спортнинг эзлаш имкони бўлган барча турлари билан шуғулланиб кўрди. Унинг учун энг қўлай тур ядро улоқтириш бўлиб чиқди. Ҳўжанияз Ерниязов устозлардан маслаҳат олиб, спортнинг шу тури билан жиддий шуғуллана бошлади.

Дастрлабки натижалар Ҳўжанияз қалбида умид унқунларини алангалантирди. Шу боис, ўз устида мунтазам равишда оилайи бошлади. Устозлар тавсияси билан у Нукус олимпиада ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказига муқожаат этди ва Енгил атлетика ва Ядро улоқтириш тури бўйича таҳсил ола бошлади.

Спорт марказига қатнаётган Ҳўжанияз бир неча дўсту биродарлар орттирди. Улар билан бугунги олимпия ва паралимпия жараёнларини муҳофазат этиди. Бугунги спортнинг келажаги қандай бўлишини янада яхшироқ тушуниб олди. У олий таълим олиш ҳақида ўйлаб бошлади. Университетга икки йил ҳужжат топширди. Бироқ омади юришмади. Бу каби муваффақиятсизликлар Ҳўжаниязни ҳафсаласини сўндирмади. У умид билан янада ва спортни ўзининг ягона ҳолқосори деб билди. Уйда ўтирганда компьютер саводхонлигини ўргана борди.

Ниҳоят, ўтган ўқув йилида Ҳўжанияз Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиалига ногиронлиги бўлган шахсларни кўшимча 2 фоизли давлат гранти квоталари асосида ўқишга қабул қилинди.

Ҳаётда шундай воқеалар бўладики, бир олам орзулари бўлса ҳам иши юришмаган, ўзини омадсиз деб тушуқлиқ қайғийига билан юрган инсон аҳилик томон биринчи қадам ташлаши билан тўсатдан унинг ишлари юришиб кетиши ҳам баъзан кузатилади. Университетда ўқишни бошлаши билан унинг дўстлари битта ишининг дарагини топиб келишди. Наҳақда, Ҳўжанияз Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлимига компьютер мухтаассисси бўлиб ишга жойлашди. Энди у ҳам ўқийди, ҳам ишлайди ва бунг вақтлариде спорт билан шуғуллана бошлади. Унинг кунлик графигида бир соат ҳам бўш вақт қолмайди қолмас бўлди. Буни қарангки, яна бир кунчилик воқеа юз берди. Х. Ерниязовга ёш оилалигини ҳисобга

олган ҳолда 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини муносабати билан 2 хонали уй совға қилинди.

Бугун жисмоний имконияти чекланган бир инсон турмушимизнинг фаолларидан бирига айланган. Жамиятимизга тенгларнинг тенги сифатида қўшилиб ва ўзининг оиласини тебратга бошлади. Биз Х. Ерниязовнинг университетдаги ўқишлари ва спорт борасидаги ютуқлари билан қизиқдик.

– Биринчи босқич талабалари орасида машғулотларимизнинг илк кунлариданок Х. Ерниязов ўзининг қобилияти билан эътиборни тортиди, – деди университет ўқитувчиси Тўлибай ака Арзиевков. – Унинг ядро улоқтириш борасидаги кўрсаткичлари мени ажаблантирди бошлади. Шундан кейин унга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини англадим. Бугун мухтаассис сифатида шунч айтманки, Париз шаҳрида бўлиб ўтаётган 2024 йилдаги ёзги XVII паралимпия уйинларига Ҳўжанияз албатта қатнашиши керак. У Халқаро беллашувда Ўзбекистонимизнинг манфаатларини ҳумоя қилади ва голиб бўлиб, албатта медаллар билан қайтади, деган умиддаман.

Ҳарқандай катта ишлар оддий орзудан бошланади. Биз бугун ортиқча тафсилотларни четга суриб қўйиб, ёзги паралимпия натижаларини кутамиз.

Саламат АВЕЗОВ,
ЎзНА Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими мухтаассисси.



Инсоннинг ҳаёти бир зайилда текис ва сокин ўтмайди. Чунки ҳаёт сўқмоқлари ўнқир-чўнқир. Унинг ҳавф-хатар билан тўла ва ўтқиқ кийин жарликлар ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун турмуш йўлларидан синовларга чидаб маҳорат билан ўтган инсонларни кўзлаган мақсадига етадилар ва бахт деган ноёб орзуга эришадилар.

Болаликнинг ширин эртақларига қулқ тутган ҳолда дўстлари билан Чимбой туманининг кўчаларини тўлдириб, ўйнаб, соқлаб дарвозага футбол тепиб юрган Ҳўжаниязнинг ҳаётида кўнгилиси воқеа руй берди. Мудҳиш бир тасодиф тўғрисида бил қўлидан ажралди, имконияти чекланди қолди.

Бу сингари огир синов йигитни дастлаб батамом довдириятиб қўйди. Яралар тугабди, саломатлиги тиклана борган, дўстлари уни яна давраларига таклиф қилдилар. Кейинги пайтда маҳалладошларнинг асосий ишлари спорт ва турли беллашувлар билан кечадиган бўлди. Бахт ўтиши билан Ҳўжаниязнинг турмуш тарзи ўзгарди. У ногиронлиги



•Тарихимизни ўрганамиз

БИЗ КИМЛАРНИНГ АВЛОДЛАРИМИЗ?

Тарихий-хужжатли очерк

Машҳур адибимиз Абдулла Қодирий таъкидлаб ўтганларидек, “Мозийга қараб иш туттиш хайрлидир”. Шунингдек, халқимизда “Тарихий хотирасиз – кел-кажак йўқ”, деган пурҳикмат нақл ҳам бежиз айтилмаган. Шундай экан, ҳар қандай тарихимизни атроф-лича ўрганиш энг аввало, ҳозирги ва келажак авлодлар учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини уларга доимо эслатиб туришимиз аҳамиятлидир. Дарҳақиқат, авлод-аждодаларимиз тарихини ўрганиш жуда катта тарбиявий аҳамият касб этади.

Одамзод борки, авлод-аждодаларининг кимлигини, насл-насабини, қолаверса, ўзи туғилиб ўсган, вояга етган қишлоқ, маҳалла, шаҳар, уулласки, Ватанининг тарихини билишни истади ва бунга доимо қизиқиб келади. Каттаю-кичик маъракаларда, давраларда, саёхатга чиққаннингизда ёки узок бир манзилга отланганингизда ҳам ҳамроҳларимиз, даврадаги меҳмонлар билан яқиндан танишиб олгач, гап мавзуси айлини уларга: “Каердансизлар меҳмон?”, “Қайси уругдансизлар?”, “Авлод-аждодаларингиз кимлар?”, деб мурожаат қилишимиз табиий бир ҳолдир. Авлод-аждодалар, туғилиб ўсган жойи тарихини, ўз қавми (сулоласи) шажарасини яхши билган кишилар бундай ҳолларда ўзларини эркин тутишади, давраларга, суҳбатларга файз китришади.

Авлод-аждодаларимизнинг давомчилари бўлган узокни ўйлаган аксарият отабобларимиз ўз қавмлари-сулолаларининг шажарасини асрлар оша муносиб тарзда давом эттириб, бойитиб, мукамаллаштириб келишяпти. Бу ниҳоятда улуг ва эзгу ишдир. Бундан кўзланган асосий мақсад эса авлодлари: қавму-қариндошларига, фарзандларига, неварою-эвараларига ўзларидан олдинги 7 оталарига (балки ундан ҳам кўпроқ) бўлган даврдаги аждодлари кимлар бўлганлиги, ўша пайтлардаги ҳаёт тарзлари хусусида тўлақонли маълумотлар қолдиришдан иборатдир. Албатта, бундай шажаралар билан танишган кишиларнинг қалбида ҳам ўтмишдаги аждодлари, қавмлари, отабоблари билан фахрланиш, гурурланиш туйғуси жўш уради.

Шу ўринда бир савол туғилиши табиий. Нега энди етти отагача билишимиз керак? Саккиз ёки ўн отагача эмас. Бундан кўпроқ билсак, нур устига нур. Шунингдек, рақамда тўхталанишнинг ўзи бир алоҳида аҳамият касб этаркан. Сабаби, авлодларимизнинг жисмонан ва ақлан соғлом бўлишида ҳам табиий, ҳам тарихий нуқтаи назардан бу меъёр, яъни ўлчов тўғри келаркан. Негаки, **етти** авлод-аждод ўткач инсон қони (ген ёки насл) тўлиқ янгилиниб, ўзаро қон-қариндошлик узилиб, кейинги саккиз ва ундан сўнгги авлодларнинг бегоналашиши назарда тутилган экан. Шуниси қувонарлики, кейинги пайтларда ҳамюртларимизнинг етти авлоддан ўз ичига олган ота-авлодлари ҳамда она авлодлари бўйича шажаралар яратилган савобли ишга қўл ураётганликлари яхши аъна тусига кириб бормоқда. Зеро, инсон учун тарихдан жудо бўлиш - ҳаётдан жудо бўлиш демакдир.

Кези келганда таъкидлаб ўтиш жоизки, ўзбек халқининг, миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб бериш, ўз-ўзини англаш, улус ва элатларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, уруғ ва қавмларнинг пайдо бўлиши босқичлари, уруғчилик муносабатларининг ривожланиши, унинг кундалик ҳаётида тутган ўрни, шажара ҳамда шева-диалект тартибига олиш боради тарихчи-этнограф олимларимиз томонидан бир қатор тадқиқотлар, изланишлар олиб борилди, кўплаб асарлар яратилди. Бу сазой-ҳаракатлар самараси ўларок, ўзбек халқининг жуда қадимий халқлардан бири эканлиги Халқроқ ҳам-жамият томонидан эътироф этилди. Унинг авлод-аждодалари қадимийликда дунё халқларининг олдинги сафида бўлган мисрликлар билан тенгдош эканлиги ўз исботини топди. Шунингдек, Жаҳон цивилизацияси тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган халқ эканлиги алоҳида таъкидланди.

Эътироф этишимиз керакки, ҳаммамиз шу заминда яшаймиз, тирикчилик қилаямиз. Нон-тузини еяпмиз, сувини ичяпмиз. Ҳаримизни фахр-ифтихор ила ўзбек санаймиш. Аллоҳ назари тушган мана шу она юртимизда туғилганимиздан гурурланамиз - фахрланамиз. Қадимда яшаб ўтган авлод-аждодаларимизнинг тарихи билан ҳар қанча мактансак ҳам арзийди. Ҳақиқатдан ҳам халқимиз бир неча минг йилликлар билан ҳисоблашувчи тарихий йўлни босиб ўтганлиги эса айни ҳақиқатдир.

Кези келганда айтиб ўтиш жоизки, ўтмишдаги авлод-аждодаларимизнинг ҳаёт тарзлари асосини ўтроқлик ташкил этганми ёки кўчманчилик? Улар қайси манзилларда яшаган? Ишлаб чиқариш муносабатлари, тирикчиликлари қай тарзда кечган? Халқимизнинг тамаддунида, шаклланишида қандай авлодлар-

нинг, элатларнинг таъсири катта бўлган? **Авлод** - арабча сўз бўлиб, бир аждод (бобо) дан тарқалган кишилар, деган маънони англатади. Ота ва она авлодларига бўлинади. Ота авлодига амаки-амакиваччалар, амма-аммаваччалар, ака-укалар ва улардан тарқалган кейинги насллар киради. Она авлодини эса тоға-тоғаваччалар, хола-холаваччалар ва улардан тарқалган кейинги насллар ташкил қилади.

Уруғ - ҳам арабча сўз бўлиб, бир авлоддан тарқалган қон-қариндошларнинг жамоа бўлиб уюшувини англатади. Уришиб ўтирсанг ҳам ушлашиб ўтир, деганлари-

ҳамда уларга қардош бўлган халқлар (қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, бошқирд, нўғай ва бошқа) таркибида ҳам учрайди. Даставвал қипчоқлар уч йирик уруғ (оққипчоқ, қорақипчоқ ва сариққипчоқ) га бўлинган. Бу уруғлар ҳам ўз навбатида яна кичик уруғчаларга бўлинган. Масалан, оқ қипчоқ уруғига жағалтой, шеғарбой, бўрибой, оқ қипчоқ ва пичоқчи уруғлари киради. Бу уруғлар яна кичик уруғчаларга ажраган. Қозоқлар иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳарбий тузилиши жиҳатдан уч гуруҳга бирлашган. Булар Улу (катта) жуз, Ўрта жуз ва Кичик жуз, деб аталган. Ҳар бир жузга юз ва ундан ортиқ уруғлар бирлашмасидан иборат тоифалар бириккан. Ҳар бир тоифа эса бир неча уруғлардан, масалан, найман тоифаси 15 уруғ бирлашмасидан иборат бўлган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳар бир халқнинг келиб чиқиши қайсибир қабил ва уруғларга бориб тақалади. Ўзбек халқи ҳам худди шундай бўлиб, 92 тадан ортиқ қабил ва уруғларга бўлинади. Уруғларимизнинг бошламаси бўлган **минг, юз, қирқ** уруғлари маълум маънода ўзбек уруғчилигининг йўлбошчиси ролини ўтайди, десак хато бўлмайди. Уруғлар силсиласида **“минг”**лардан 12 уруғ, **“юз”**лардан 36 уруғ ва **“қирқ”**лардан 6 уруғ тарқалгани ҳамда

чўлда ҳамда Ўратепа тоғлари олдида яшаган юзларнинг бир қисми эса ярим ўтроқ ҳолда истиқомат қилишган. Юзларнинг фаолиятида деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам салмоқли ўрин тутган. **Тўғқли юз** эри (тағли, туб) халқлардан бўлиб **Юз (Жуз)** уруғининг асосини, яъни катта бир қатламини ташкил этади. Улар бутун Турон худуди бўйлаб тарқалишган. Ҳозирги кунда уларнинг аксарияти Самарқанд вилояти тоғ олди туманлари - Булунғур, Жомбой, Ургутда ва бошқа вилоятларда истиқомат қилишади.

Юз (Жуз) лар 41 та ота бўлиб бирлашиб, Марко боласи уюшмасини ташкил этади. Марко боласига қуйидагилар киради: 12 ота Тўғқли боласи, 12 ота Хитой - юзи боласи, 9 ота Солин боласи, 8 ота Тўғқли боласи. **I гуруҳ** 12 ота Тўғқли авлодлари: Чангал, Чўбат, Урай, Оломон, Тенгали, Мўлла эсаги, Мирза эсаги, Беш юз, Қош тамғали, Чол журут, Гураж, Оқ чебан. **II гуруҳ** 12 ота Хитой-юзи авлодлари: Сортюзи, Хон хўжа, Не бўса, Беш кубий, Увол, Тигрик, Хўжабачча, Сирғали, Қирқировуқ, Қоракурсок, Мирза Мўғол, Қур-қозон. **III гуруҳ** 9 ота Солин боласи авлодлари: Давлай Солин, Қирсадок Солин, Каврак Солин, Уяс Солин, Тоғай туби

ти ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғулланганлар. Уларнинг аёллари гилам, шол, жулварақ тўқиш, кигиз босишни яхши билганлар.

Қорақалпоқ миллати ва бу миллатга мансуб бўлган уруғлар Қорақалпоқ автоном Республикасининг асосий аҳолиси ҳисобланади. Бундан ташқари, Бухоро, Фарғона, Хоразм, Самарқанд вилоятларининг айрим туманларида, шунингдек, Туркманистон, Қозоғистон Республикаларида ҳам бу миллатга мансуб бўлган уруғлар истиқомат қилишади. XIX аср бошларида улар ярим ўтроқ тарзда ҳаёт кечиршиб, сугорма деҳқончиликка ўта бошлаганлар. Шунингдек, улар чорвачилик, балиқчилик билан ҳам шуғулланишган. Қорақалпоқларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида уларнинг Ўрта Осиё, шунингдек, Шарқий Европа ва қозоқ халқлари билан бўлган асрлар давомидаги алоқалари муҳим аҳамият касб этган. Бу миллат ва унинг бийлари билан Хива хонлиги ўртасида доимий равишда турли хил келишмовчиликлар, низолар бўлиб турган.

Қўшни қабилаларнинг доимий ҳужумларидан азоб чеккан қорақалпоқлар 1742 йили ўзларини Россия фуқаролигига қабул қилишларини илтимос қилиб Петербург ва Оренбургга ўз элчиларини юбратдилар. Россия ҳукумати уларнинг илтимосини қондиради. XVIII аср охириларида эса Хива хонларининг қорақалпоқларни бўйсиндириш учун курашлари тобора кучайтираверишади. Бундай зўравонликларга, адолатсизликларга чидай олмаган қорақалпоқлар Хива хонлигига қарши қўзғолон кўтардилар.

Тарихга **“Қорақалпоғистон қўзғолони”** номи билан киритилган 2 қўзғолоннинг бу миллат ҳаётида тутган ўрни ва роли ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир. 1827-28 йилларда Қорақалпоқ бийларидан Ойдуст раҳбарлигида Хива хонлигининг Оқёқш даҳасида кўтарилган халқ қўзғолони мана шундай харакалардан биридир. Турли-туман солиқларнинг кўпайиб кетганлиги, шунингдек, ўзаро феодал урушлар натижасида хонавайрон бўлган қорақалпоқларнинг зақот тўлашдан бош тортиши бу қўзғолоннинг келиб чиқишига асосий сабаб бўлади. Қўзғолончилар хандақлар қазидилар, аравалар билан йўллари тўсиб, бу жангга қаттиқ тайёргарлик кўрадилар. Бирок, Хива хони қўшинларининг ниҳоятда кўпчилиги кўрган Ойдуст хоинлик йўлига ўтади. Яъни, у қўзғолончиларни уларнинг бутун мол-мулкларини билан бирга Қўқон хонлигига олиб бориб, хон олдида катта обрў-эътибор қозонмоқчи бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бирок, унинг бу режаси амалга ошмай қолди. Унинг сотқинлиги оқибатида қўзғолон мағлубиятга учрайди. Қўзғолончилар тор-мор этилади. Ойдуст хоннинг буйруғига кўра Хивада қатл этилади.

Инқилбчи: 1855-56 йилларда Хива хони истибодига, зулмига қарши, қолаверса, хон амалдорлари томонидан халқ мол-мулкларининг талон-торож қилиниши, Мухаммад Аминхоннинг босқинчиликлари бу қўзғолоннинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Бу қўзғолонга Қорақалпоқ бийларидан бири Ерناзар бошчилик қилган. Қўзғолонда қорақалпоқ, туркман, қозоқ ва ўзбек меҳнаткашлари билан бирга қорақалпоқ бийлари ва оқсоқолларнинг хонга қарши қайфиятдаги қатламлари ҳам иштирок этишади. Бундан ташқари, қорақалпоқлар 1905-1907 йиллардаги халқ қўзғолонида ҳамда 1916 йил бўлиб ўтган Ўрта Осиё қўзғолонида ҳам қатнашдилар. Шунга қарамадан, Мустафакачилик зулми XX аср бошларида айниқса, биринчи жаҳон уруши йилларида ҳар қачонгидан ҳам зўрайиб кетган. Инқилобдан сўнг эса бундай зўравонликларга аста-секинлик билан барҳам берилди бошлайди.

Ўрта Осиё Республикаларида миллий давлат чегараланишлари даврида Туркистоннинг аксарият қорақалпоқлар яшайдиган қисмида Қорақалпоғистон АО (1924 йил) тузилиб, 1925 йили Қозоғистон Республикаси, 1930 йил 20 июлдан эса РСФСР таркибига киритилди. Қорақалпоғистон АО 1932 йил 20 мартда Автоном Республикага айлантирилади. Қорақалпоғистон Автоном Республикаси 1936 йилда Ўзбекистон Республикаси худуди-га қўшиб берилди.

Митан қорақалпоқларнинг катта уруғларидан бири саналади. Бу уруғнинг Беглар-м, Оқтепа-м, Чироз-м, Парча-м, Қорақалпоқ-м каби қабилалари мавжуд бўлиб, улар асосан Қорақалпоғистоннинг Тахтақўпир, Мўйноқ туманларида яшашади.

Холбой ҚОСИМОВ,
журналист.

92 БОВЛИ
ЎЗБЕК ЭЛИ

дек, бир уруғга мансуб кишилар бир-бирларидан ажралган ҳолда яшай олмаганлар. Уруғлар вужудга келган дастлабки вақтларда қабилаларга уюшган. Шунингдек, уруғлар жамоаси ривожланиш даврида кетма-кет икки босқич - матриархат ва патриархат даврини босиб ўтишган, деб ҳисоблашади. Матриархат даврида она уруғи ижтимоий ҳаётда ҳал қилувчи роль ўйнаган. Ҳаёт тарзининг ривожланиб боришида тирикчилик жараёнларида ҳамда қон-қариндошчилик ришталарининг томир отишида ҳам онанинг, яъни аёл кишининг устунлиги алоҳида сезилиб турган. Кейинчалик ишлаб чиқарувчи қушларнинг ривожланиб бориши, жойларда чорвачилик, деҳқончиликнинг кенг қулоч ёзиши натижасида уруғчиликнинг иккинчи босқичи - патриархатга ўта бошланган. Шу тариқа ижтимоий табақаланиш даврида қон-қариндошлик алоқаларининг шаклланиши билан бир қаторда аста-секинлик билан уруғчилик ҳам томир отиб борган.

Инқилобгача, Ўрта Осиё халқлари кўпгина қабил ва уруғларга бўлинишган. Масалан, ўзбеклар 92 дан ортиқ, туркманлар 100 дан ортиқ, қозоқлар 300 дан ортиқ қабил ва уруғларга, улар эса яна бир неча уруғчаларга бўлинганлиги фикримиз исботидир. Уруғлар кўпинча яшаган географик жойлари ва ишлаб чиқариш турларининг номланиши билан аталган. Тарихчи Маъсуд ибн Усмон Қўхистонининг (XVI аср) таъкидлашича, кўчманчи ўзбеклар таркибига буркут, қиёт, қушчи, ийжон, кўнғирот, уйшун, найман, тот, чимбой, қарлук, кенгаж, дўрман, қурлаут, тубой, мангит, нукуз, тангут, уйғур, хитой, тоймас, эчки, туман, минг қабилалари кирган. Шунингдек, Биноийнинг асарларида шодбоқли ва шунқорли қабилалари ҳам мавжуд бўлганлиги тилга олинган. Маъсуд ибн Валининг фикрича, Абулхайрон (1428-68) армиясида уйротлар, мижорлар ва қипчоқлардан ташкил топган қўшин бўлган. Бу қабилаларнинг келиб чиқиши турлича. Масалан, кўнғирот, нукузлар ва қиётлар мўғуллардан, тангутлар эса тибетликлардан келиб чиққан. Қадимги этник алоқаларнинг гувоҳлик беришича, қипчоқ уруғлари кўпинча ўзбек-қабил ва гуруҳлари

жами 54 уруғ ана шу уруғлар билан боғлангани айтилган.

Қавмларнинг Мовароуннахрга кириб келиши тарихи ҳам турлича бўлган: Юз (Жуз) эри халқ, Қангли, Жалойир XII, Қипчоқ, Қурама, Нурота туркманлари XII-XIII, Барлох XIII, Найман XIV, Минг XVI, Кўнғирот XVIII асрларга тўғри келади. Кўрениб турибдики, ўзбек миллатининг таркиб топшида Юз уруғидан ташқари юқорида номлари тилга олинган барча қавмлар, катта уруғлар Мовароуннахрга ташқаридан кириб келган. Юз (Жуз) уруғи ва қавмлари қадимда Сурхондарёнинг Бойсун тумани худудларида яшаганлар. Юз (Жуз) ларнинг бошқа қабилалар билан аралаш ҳолда яшаб келган гуруҳлари ҳам мавжуд бўлган. Масалан: Қирқ-юз, Мўғол-юз, Найман-юз, Туркман-юз, Минг-юз ва ҳоказо. Шунингдек, тарихий манбааларда таъкидланишича, Юз (Жуз) қабилалари ҳамда уруғларининг келиб чиқиши ҳам Дашти қипчоқ ўзбеклари билан боғлиқ эканлиги айтилади.

Юз уруғи таркибига **тўғқли, қароқчи, тигрик, парчаюз, эрганақли, сўлоқли, хонхўжа, хитой юзи, хўжа хитой юзи, қўён қулоқли, сирғали** уруғлари киради. XIX асрда рус этнограф олими А. А. Гребенкин ўзбекларнинг 20 та бош уруғлари ва уларнинг аймоқлари ҳақида гапириб, **тўғқли** уруғининг иккита, яъни **мўлла эсаги (мўллақасак), мирза эсаги (мирзақасак)** каби аймоқлари борлигини ўз тадқиқотларида алоҳида таъкидлаб ўтади.

Тўғқли-юз қабиласи энг йирик, катта уруғлардан саналади. **Тўғқли-юзлар** XIX асрда Зарафшон водийсида яшаганлар. Улар бу ерга XVII асрнинг бошларида Сирдарё воҳаси бўйларидан кўчиб келишган. Ўзбекистон энциклопедиясида қайд этилишича, **Юзлар** асосан Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида яшаганлар. Улар асосан 3 та йирик тармоққа бўлинади: Марқо боласи, Қорақчи, Ражаб боласи.

XIX аср давомида **юзлар**нинг кўпчилиги ўтроқлашиб, асосан деҳқончилик билан шуғулланганлар. Жиззах худудида, яъни

Солин, Жобувчи Солин, Шодмон туби Солин, Қипчоқ Солин, Лабқарач Солин. **IV гуруҳ** 8 ота Шоди боласи авлодлари: Қорапчи, Парча юз, Сўлоқли, Уроқли, Қўштамғали, Ойтамғали, Қушчи, Болғали киради.

Қирқ уруғи тарихига келсак, илгаридан **Юз (Жуз)** уруғига отадош бўлиб қўшилди. 6 та **Қирқ уруғи** бўлиб, улар **Юз (Жуз)** уруғининг укалари саналади. Қадимдан бирга ёнма-ён яшаб келмоқдалар. **Қирқ уруғи** авлодлари: Қора қўйли, Қорача, Молтоб, Мулкуш, Чоп раста, Чотқесарлардан иборат. Таъкидлаш жоизки, 12 та ота Тўғқли боласи, 12 та ота Хитой юзи боласи авлодлари Балх шаҳридан, 9 та ота Солин боласи, 8 та ота Шоди боласи авлодлари эса Бойсундан тарқалган. Бу қавмлар-уруғларнинг ҳаммаси қадимда Амударёнинг икки қирғондаги унумдор ерларда яшаган. Кейинчалик эса аста-секинлик билан Зарафшон дарёси бўйларига кўчиб келишган.

Минг уруғи ҳам ўзбек миллатининг йирик қабилаларидан бири ҳисобланади. Улар асосан Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Шеробод, Денов ҳамда Тожикистоннинг Хисор туманларида яшаганлар. Зарафшон водийсида яшовчи минглар асосан учта йирик, яъни, **туғали, боғлон, увоқ тамғали** уруғларидан таркиб топилган. Бу уруғлар ҳам ўз навбатида бир қанча майда уруғларга бўлиниб кетади.

Манбаларда ёзилишича, **Минглар** уруғининг охири бошқирдлар таркибига кириб кетган. Улар ҳам бир қанча йирик ва майда уруғларга бўлинишган. **Минглар** XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларида Мовароуннахрга Дашти қипчоқдан кириб келган бўлиб, асосан 12 та уруғга бирлашган. Ўрта Осиё Россияга қўшилгунга қадар Қўқон хонлари минглардан бўлган. Бухоро воҳасида яшаган минглар ҳам Бухоро хонлигидаги муҳим мансабларни эгаллашган. Ўратепа ва Ургут беклари ҳам минг уруғидан бўлишган. XIX асрнинг охирига келиб мингларнинг аксария-

Хотира уйғонса гўзал

Булунгур тумани юртимиздаги энг қадимий ва йирик туманлардан бири. Табиати мусаффо, ҳавоси тоза, суви мазали, туманнинг чор-атрофи Туркистон тоғ тизмалари ҳамда Ғўбдин тоғи билан куршалган. Ўзига хос табиати, табиий иқлими, географик жойлашуви, ландшафти, транспорт коммуникацияси бўйича қулай имкониятларга эгаллиги ва ҳудуди асосан богдорчилик-узумчилик, сабзавотчиликка ихтисослаштирилганлиги туманимизга ўзгача салобат, кўркемлик ҳамда бетакрор чирой бахш этади. Туманнинг қоқ марказидан оқиб ўтадиган “Булунгур” ариги нафақат туман, қолаверса, вилоят кўрки ҳисобланади. Самарқанд билан Жиззах чегарасидаги халқ орасида “Юқори нуқта” ибораси билан машҳур бўлган ҳудудининг сир-синаотларига ҳамюртларимиз, ҳатто хорижлик сайёҳлар ҳам ҳайратда қолишади. Машҳур ёзувчи Холмирзаев Шукур Файзулла ўғлининг ота тарафидан бўлган авлодлари, яъни “Хожитўп” қавми қадимдан ана шу бетакрор юртининг “Бедана” маҳалласидаги Бедана ҳамда шу қишлоққа туташ бўлган Дашткиовул қишлоқларида истиқомат қилишади...

Кези келганда айтиб ўтиш жоизки, адибнинг асарларига ёзилган сўз бошиларда, замондошлари хотираларида ва бошқа манбаларда тугилиб ўсган она юрти Бойсун тумани, унинг сўлим, ўзига хос мўъжизавий табиати, пуर्वикор тоғлари, жилвакор сойлари ва бу воҳода қадимдан яшаб келишадиган авлод-аждоқлари тўғрисида кенг ва атрафлича маълумотлар келтирилган. Қолаверса, Шукур аканинг сингиллари Раъно Эркаеванинг 2018 йили Тошкентда, “МУХР-ПРЕСС” нашриётида чоп этилган “Ўтмишга нигоҳ” хотиралар китобида ҳам адибнинг авлодлари, бобо-ю, бобокалонлари ҳақидаги қарийб икки юз йиллик сулола тарихи батафсил ёритиб берилган. Бироқ... Шукур аканинг ота юрти, булунгурлик авлод-аждоқлари ҳаёти матбуотда деярли ёритилмаган. Тўғри, Шукур Холмирзаев “Ота юрт” ҳикоясида булунгурлик авлодлари ҳаётини, характерларини, ўзига хос яшаш тарзларини тасвирлади. Ушбу авлоддан етишиб чиққан илми, зиёли кишилар, машҳур полвонлари ҳақида фикр юрилади. Албатта, биргина ҳикояда бутун бошли катта бир авлоднинг ўтмишини ёритиб бериш мумкин эмаслигини яхши тушунамиз. Кўпинча, иждоқорлар даврларига, адабий гурунларда суҳбат мавзуси айланган Шукур ака ҳаёти ва ижодига тақалгудек бўлса табиийки: “Ҳақиқатдан ҳам Холмирзаевнинг ота юрти Булунгурми?”, “Қанақасига?”, деган саволларнинг тугилиши табиий.

Шукур ака оиласи ёки иждоқор дўстлари, шогирдлари билан қишлоғимизга қачон ташриф этсалар энг аввало жонлик сўйилиб, каттаю кичик давралар ташкил этиларди. Давраларда авлодимиз оқсоқоллари, боболаримиз ҳозир бўлишарди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, суҳбатлар қизигандан қизирди. Шукур ака гурун олдидан доимо: “Менга кўпроқ қишлоқларингиз тарихи, ота-боболаримизнинг ўтмишлари ҳақида гапириб беришарингиз”, дейишни асло қанда қилмасди. Табиатан чимхўр бўлган Шукур ака таом емаса-емасдики, лекин боболаримизнинг ўтмиши ҳақидаги хангомаларини мароқ билан, мазага қилиб тингларди. Гоҳи-гоҳида даврадагиларга саволлар билан мурожаат этиб, мавзуга аниқлик киритиб боради. Баъзида эса: “Отам ҳақида кўпроқ билганларингизни айтиб беришарингиз”, деб қўшиб кўярдилар.


Минг афсуски, Бойсунга сургун қилинган оталари Файзулло бобомиз, “халқ душмани” деб қамалган, кейинроқ Сибирга сургун қилиниб, отишга ҳукм этилган у кишининг амакиси, Бедана қишлоғининг биринчи раиси Абдусаттор Фармонов бобомиз, шунингдек, “тўғри юрак тўғрилиги учун қийна” деганларидек, бир сўзлилиги, чўрткесарликни учун доимо таъкиб остида, сиқувда, қувғинда юришган бошқа зиёли, мулла боболаримиз ҳақидаги маълумотлар инқилобдан сўнг, айниқса, каттиқ сир тутилган. Улар тўғрисида гапириш эса маъна этилгани бую авлодимиздаги жуда кўп қишлоқ тарихий ҳужжатлар, суратлар йўқ қилинган. Шу боис, Шукур ака то вафотига қадар ҳам булунгурлик ота-боболари, авлодлари, авлодбошимиз ҳисобланган Фармон хожи бобокалонимиз ҳақида етарлича, тўлиқ маълумотларга эга бўлолмади.

Кейинги ўн беш-йигирма йил ичидаги изланишларимиз, суртирувларимиз, сайёҳаракатларимиз туфайли етти отагача бўлган авлод-аждоқларимизнинг ўтмишини тарихий реал фактлар асосида атрафлича ўрганишга муваффақ бўлдик. Бухоро, Тошкентдаги кутубхоналарда сақланаётган рўзномалардан ва бошқа манбалардан фойдаланишимиз ўз самарасини берди. Авлодимизнинг шажарасига бир қатор янгиликлар, ўзгартиришлар киритилди. Бир пайтлар “халқ душмани” деб қораланган боболаримизнинг ўтмиши ёруғлигидан, қаҳрамонона, ҳалол меҳнатларидан фахрланиб, эндиликда улар ҳақида баралла, мағрурланиб гапира оламиз...

Асли туёқли юз уруғига мансуб бўлган авлодбошимиз Фармон Раҳматиллаев 1837 йили таваллуд тоналган. У Отаси Раҳматилла қоридан илк сабоқ олган. Авлодимиз шажарасида қайд этилишича Фармон бобокалонимиз ёшлиғидан ўта зийрак, зукко бўлиб воёга этади. Қадди-қоматининг бўлиқлиги, бўйдорлигидан ака-укалари ичида алоҳида ажралиб турган. Ўн-ўн беш ёшида “Ҳафтияк”ни, Пайгамбаримиз хадисларини, Қуръони Карим оятларини тўлиқ

қилиб ҳизматидан бўлиб, элу халқ назарига тушади. Йигирма ёшга тўлганда эса отаси Раҳматилла қори қўшни Тожикистондан Булунгурга чегарадош бўлган Хурми қишлоғидан ўғли Фармонни уйлантириб қўяди. Фармон бобокалонимизнинг Холмирза, Боймирза исми фарзандлари тугилгач, кўп ўтмай турмуш ўртоғи касалликка чалиниб, бехосдан вафот этадилар. Орадан икки йилча вақт ўтгач, Раҳматилла қори ўғли Фармонни иккинчи бор яна Хурми қишлоғидан уйлантиради. Иккинчи аёлдан тугилган фарзандларига Абдусаттор, Қўimmatой, Абдуғаффор деб исм қўйишади. Қизи ёшлиғида қизамик касалига йўлиқиб оламдан ўтади. Шу тариқа Фармон бобокалонимиз тўрт нафар ўғил фарзандлари тарбиясига катта эътибор беради. Раҳматилла қори Булунгур музофотининг энг хурматли, обрўли, ўзига яраша бой-бадавлат кишиларидан бири бўлган. Невараларининг беками-кўст камол топишлари учун ҳам барча шарт-шароитларни яратиб беришга астойдил ҳаракат қилган.

Фарзандларининг саводхон, ўқимшли кишилар бўлиб камол топишини астойдил орзу қилган Фармон бобокалонимиз тўнғич ўғли бўлими Холмирзани етти ёшида Ниёзмат қишлоғидаги муллага шогирдликка беради. Орадан ўн йил вақт ўтади. Холмирза бобомиз “Ҳафтияк”ни тўлиқ ўзлаштириб олгач, отаси уни Бедана қишлоғидаги номдор домлага: “Ўғлимнинг эти сизники, суяги бизники”, деб илму толибликка топширади. Бобомиз эса ўз ўрнида домладан хадисларни, Қуръони Карим оятларини ёд олишга ҳамда дунёвий илмларни кунт билан ўрганишга киришади. 18 ёшга тўлганида устози унга Бухородаги “Мир араб” мадрасасига ўқишга бориши учун тавсиянома ёзиб беради. Фармон бобокалонимиз бу хушхабардан жуда хурсанд бўлади ва кўп ўтмай, яъни 1870 йилнинг охирида ўғли Холмирзани Бухородаги “Мир араб” мадрасасига ўқишга жойлаштириб келади. Орадан бир йил ўтгач, Фармон бобокалонимиз ўғлининг ўқишидан хабар олиш учун Бухорога боради. Ўғли билан бўлган суҳбатда унинг ўқишлари билан қизиқади. Ўғли мадрасада Бухоро амири Музаффархоннинг валиаҳд ўғли Абдуллаҳад билан бирга ўқиётганлигини ва у билан қалин дўстлашганлигини мамнуният билан сўзлаб беради. Фармон бобокалонимиз бу хушхабарни эшитиб жуда хурсанд бўлади. Эртаси кунни валиаҳд шахзода Абдуллаҳад дўстининг отаси Фармонбойни отаси Музаффархон хузурига бошлаб боради. Хон ҳазратлари Фармон бобокалонимизнинг хурматини бажо келтириб, совға-саломлар билан қарши олади ҳамда яқиндан суҳбатлашади. Уни саройга ишга тақлиф этади. Фармон бобокалонимиз тўрт-беш кун Бухорода бўлишганини, тақлифи ҳақида уйлаб бир қарорга келишини айтиб хон ҳазратлари билан хайрлашади. Икки-уч кундан сўнг яна амир хузурига кириб: “Мен анчадан буён ҳажга боришни ният қилиб қўйган эдим, агар рухсат берсангиз Бухородан беш-олти киши ҳажга боришадиган экан, мен ҳам улар билан бориб-келиб,



ШУКУР АКАНИНГ ОТА ЮРТИ

ёки машҳур адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур ХОЛМИРЗАЕВНИНГ булунгурлик авлодлари ҳақида

Очерк

бўлган воқеани айтиб берадилар. Улар ўз наватидан: “Шу бугундан эътиборан қишлоғимизнинг номи Фармонтепа бўлади”, деб Омин қиладилар. Фармон хожи навкарларининг зиммасига юклатилган асосий вазифа Зарафшон дарёси тўғриси (ўзани) дан Тўрттортар арнасига сув олинмайдиган жойда мустаҳкам тўсиқ ўрнатилиш, шунингдек, дарғом ва бошқа арнасларга сувнинг меъёрида оқишини таъминлашдан иборат эди. Бундан ташқари, улар ўз ваколатларига киритилган ҳудудларда халқнинг тинчлигини сақлаш, турли хил кўнглисизликлар, нохушликларни бартараф этиш ишларини амалга оширишарди. Фармон хожи вақти-вақти билан 4-5 та навкарлари билан Бедана қишлоғига бориб турадилар.

Фармон хожининг ўғли Холмирза бобомиз мадрасада 7 йил таълим олиб, муллаглик мақомига эга бўлади ва амирнинг Фармони билан Шаҳрисабз музофотининг Бойсунгир дарёсига қозилик вазифасига таяинланади. Бир муддат шу вазифада ишлаб, қишлоғи Беданага қайтиб келади. Отаси Фармон хожи уни қишлоқдаги қорининг қизи Улқиз момомизга уйлантириб қўяди. Бу орада дўсти Бухоро амири Абдуллаҳад уни хузурига қақриб, амирликнинг Чоржўй воҳисига (1888 ёки 90-йилларда) бош қози этиб таяинлайди. Ўн беш йилдан ортиқ вақт мобайнида Холмирза бобомиз оиласи билан Чоржўйда яшаб, хизмат вазифасини адо этади. Уларнинг беш нафар фарзанди - қизлари Майрам, ўғиллари Абдулла, Файзулла, Сайфулла, Нарзулла ота-оналарининг тарбиясини олиб, камил инсонлар бўлиб воёга етадилар. Турмуш ўртоғи касалликка чалиниб, оламдан ўтади. Шундан сўнг Холмирза бобомиз ҳам иккинчи бор қўшни қишлоқдаги Мелихон момомизга уйландилар. Иккинчи аёлдан эса 6 нафар фарзанд кўради. Фарзандларининг исмлари Файзулла, Бибизайнаб, Бибирония, Бибирозия, Бибисора, Нурбибилар бўлган. Холмирза бобомиз бадавлат киши бўлиб, сурув-сурув моллари, отлари, қўйлари бўлган. Кейинчалик “Небўса” қишлоқ масжидида имомлик қилганлар.

Бобокалонимиз Фармон хожи 1919 йили ўз зиммасига юклатилган, яъни Зарафшон дарёсининг назоратини ҳамдуна, яъни мучал йилда ёрдэмчилари Мирза полвон ҳамда Ражаб полвонларга топшириб, ўзига бикритилган 40 навкардан қолган 27 нафарини (13 нафари касаллик ва бошқа сабаблар билан вафот этишганди) ўзи билан Бухорога олиб бориб, амир Саид Олимуҳаммад хузурига қиради. Омонатлари-навкарларини отлари билан амирга топшириб, қариб қолганини айтиб, зиммасидаги вазифани бўйнидан соқит қилишни сўрайди ва иккинчи бор ҳажга боришганини айтади. Бухоро амири унга қилган кўп йиллик садоқатли хизматлари учун ташаккурнома эълон қиладди, совға-саломлар топширади. Кейин қишлоққа қайтиб, Ниёзмат қишлоғидаги амакилари билан иккинчи мартаба ҳаж сафарига жўнайди. Ҳаж зиёратини қилиб, олти ой деганда қишлоғига қайтиб келади.

қарвар, валийдай инсон эдилар”. Дарҳақиқат, 1921 йили бобокалонимиз Фармон хожи кунларининг биринчи ўғил-қизларини хузурига қақиртириб: “Бугун бир катта мол сўйинглар. Ҳожим қавму қариндошларимизга хабар беришарди. Мен улар билан ҳам рози-ризалик қилайин. Чоршанба кун эса Аллоҳимнинг омонатини топшираман”, деб ўғиллари Холмирза, Боймирза, Абдусаттор, Абдуғаффорни қишлоқдаги “Ғишти ота” қабристонига бошлаб бориб, ўзларига жой кўрсатадилар. “Мени эртага шу ерга қўясизлар”, дейди. Ҳақиқатдан ҳам эртаси кун бобокалонимиз Фармон хожи пешиндан кейин вафот этадилар. “Хожитўп” қавмидаги катта боболаримиз ақин-яқинларгача: “Фармон хожидаги, катта ўғиллари Холмирза бобомиздаги кўпгина хислатлар Файзулла отамиз, ўғиллари Шукуржонларга ҳам ўтган”, дейишарди.

Амаккимиз Шукур Холмирзаевнинг отаси Файзулло бобомиз қишлоғимизда биринчи бўлиб олий маълумот олган, университетни битирган. Самарқандда хотин-қизлар мактабиде тахсил олаётган қизлар орасидан Хайринисо исмли қизни ёқтириб қолиб, унга уйланади. Уларнинг Омонуллага, Раҳматуллага, Ҳабибулла исми уч нафар фарзандлари тугилиб, воёга етадилар. Файзулла бобомиз “Небўса” қишлоғида (ҳозирги Улуғбек номи хўжалиги) 1924 йили бошланғич шўро мактабининг оқиди ва 1928 йилгача унга мудирлик қиладди. 1928 йили Самарқандга маориф мудирлигига ишга тақлиф этилади. Бундан ташқари, шаҳарда чоп этилаётган бир қатор марказий газеталарда мақолалари билан фалок катнашиб туради. Ўша даврларда Файзулла бобомиз вилоят миқёсидаги кўзга қўринган катта раҳбарлардан бири бўлган.

Янги тузумнинг шарт-шароитларига қўника олмай, ғаламислик, иғвогарлик йўлига ўтиб олган айрим нопок кимсалар бобомизнинг ютуқларини қўра олмай, бора-бора унга нисбатан тухматлар уюштириш бошлади. Юқори органларга бирин-кетин юмалок хатлар ёзишади. 1935 йили Ўзбекистон оқсоқоли Ё. Охунбобоев Файзулла бобомизни Тошқулум, валийдай инсон эдилар”.

– Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ёш бола эдик, туман газетасига шеърлар, мақолалар ёзиб турардим. Қутулмаганда қишлоғимизда: “Хўжалик марказидаги Ганиев Ўролнинг тўйига Шукур Холмирзаев деган катта ёзувчи келармиш”, деган гап тарқалди. Ўша кунни бошқалар қатори мен ҳам сабрсизлик билан кута бошладим. Тўйлар ҳам кечкурунлари бўларди. Хуллас, тўрт-бешта тенгқурларим билан тўйхонага бордик. Қурга яқинлашиб бўлмайди. Тумонат одам йилгилган. Биз тенги бошқа болалар қатори тўйхона ёнидаги дархатларнинг шохларига чиқиб олдик. Кўп ўтмай тўй раиси меҳмонлар келаётганлигини эълон қилди шекилли, ҳамма жойидан турди. Қарсақлар оғушида даврага Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимов ва ҳамқишлоғимиз, собиқ “Совет Ўзбекистони” газетаси муҳбири Холбой Қосимов кириб келишди. Тўй бақовулларининг илтимосига қўра Шукур Холмирзаев жиянларининг тўйини очиб берганди, ўшанда...

Амаккимиз Шукур Холмирзаев ота юрти - қишлоғимизга доимо оиласи, иждоқор дўстлари, шогирдлари билан ташриф ётарди.

Файзулла бобомиз кейинчалик Бойсунда бир неча вазифаларда, яъни РайПО раиси, колхоз раиси, қишлоқ шўроси раиси, тўқимачилик фабрикаси директори, туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи, туман партия комитети котиби вазифаларида ишлаган, туманнинг энг фаол хотин-қизларидан бири, партия фаоли, икки нафар фарзанднинг онаси Ойша момомизга кўнгли қўядилар ва болаларини тарбиялашга ваъда бериб, турмуш қурадилар. 1940 йили март ойида ўғил фарзанд кўришиб, исми Шукур қўядилар. 1941 йилнинг ўрталарида Файзулла бобомиз ўғли Шукур ва турмуш ўртоғи Ойша холамиз билан Бедана қишлоғига келишиб, бир хафта меҳмон бўлиб қайтишади. Бу пайтга келиб юқорида номлари тилга олинган бир ҳовуч тухматчи-иғвогарларнинг ғаламисликлари авж олганди. Улар атайлаб бир зиёфат уюштиришиб, Файзулла бобомизни гап кўярда-қўймай ўша зиёфатга олиб боришади. Зиёфат авжига чиққан бир пайтда ичи қора бу кимсалар бир варақ оқ қоғозни бобомизга узатишиб, қўл қўйдириб олишади. Шираккай бўлган бобомиз гап нимадалигини билмайди ҳам. Ўша бир варақ қоғоз бобомизнинг тақдирини хал қиладди. Кечаси бемаҳалда уйларига тўрт нафар НКВД ходимлари келишиб, уни олиб кетишади. Тергов бошланиб кетади. Шундай кунларнинг биринчи 1942 йили Файзулла бобомизнинг иккинчи фарзандлари тугиладди. Унга Раъно деб исм қўядилар. Хали чилласи ҳам чиқмаган қизларини Ойша холамиз турмага олиб бориб, бобомизга кўрсатадилар. Файзулла бобомиз қизининг пешонасидан ўпиб, бағрига босиб: “Сизларнинг бахтларингиз мен озод бўлайин-да”, деб қўзига ёш олади. Бойсун туман суди раиси Ражаб Чаққонов бобомизни бир ходими билан бирга ўн йилдан иш бериб, қаматиб юборади. Уларни 1942 йили Челябинскка олиб кетишади. 1943 йилнинг қузиғача бобомиз Ойша холамиз билан хат ёзишиб туради. Кейин кўнгилилардан бўлиб урушга кетади. Урушда халок бўлган, дейишади...

Файзулла бобомизнинг оталари Холмирза катта бобомиз ҳам бирин-кетин фарзандларидан жудо бўлади. Умрининг сўнгги кунларида “Бойсунга бориб невараларимни кўриб келсам”, деб жуда орзу қиларканлар. Бироқ, хасталиги туфайли бора олмаган. Дерили ҳар кун Шукур ака ва Раъно опамизни эсларканлар:

Булунгурнинг тоғидан лочинимни учирдим...

Бойсуннинг тоғларидан кўз тикади боларим...

деб тез-тез қўзига ёш олар экан. Холмирза бобомиз 1944 йили вафот этадилар. Шукур аканинг Бедана қишлоғидаги отадош акалари Омонуллага ҳам 5 ўғил ҳамда 2 нафар қизларини воёга етказди. Ўзлари ҳам узок умр кўриб, 86 ёшида вафот этади.

Ғулум ЎРОЛОВ, “Булунгур ҳаёти” газетаси муҳаррири:

– Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ёш бола эдик, туман газетасига шеърлар, мақолалар ёзиб турардим. Қутулмаганда қишлоғимизда: “Хўжалик марказидаги Ганиев Ўролнинг тўйига Шукур Холмирзаев деган катта ёзувчи келармиш”, деган гап тарқалди. Ўша кунни бошқалар қатори мен ҳам сабрсизлик билан кута бошладим. Тўйлар ҳам кечкурунлари бўларди. Хуллас, тўрт-бешта тенгқурларим билан тўйхонага бордик. Қурга яқинлашиб бўлмайди. Тумонат одам йилгилган. Биз тенги бошқа болалар қатори тўйхона ёнидаги дархатларнинг шохларига чиқиб олдик. Кўп ўтмай тўй раиси меҳмонлар келаётганлигини эълон қилди шекилли, ҳамма жойидан турди. Қарсақлар оғушида даврага Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимов ва ҳамқишлоғимиз, собиқ “Совет Ўзбекистони” газетаси муҳбири Холбой Қосимов кириб келишди. Тўй бақовулларининг илтимосига қўра Шукур Холмирзаев жиянларининг тўйини очиб берганди, ўшанда...

Амаккимиз Шукур Холмирзаев ота юрти - қишлоғимизга доимо оиласи, иждоқор дўстлари, шогирдлари билан ташриф ётарди.

Холбой ҚОСИМОВ.
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Инклюзив таълим бора-сида амалга оширилган ишлар давлатимизнинг аҳолининг эҳтиёжман қатламларига кўрсатаётган инсонпарварлик ёрдамларининг муҳимлигини ҳисобланади. Бугунги кунда ақли заиф, кар ва заиф эшитувчи, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи, таянч аъзоларида нуқсонли бўлган 21 000 дан ортиқ болалар учун республикада 90 та иттихослаштирилган мактаб фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, энгил даражадаги ногиронлиги бўлган 18 000 нафарга яқин ўқувчилар мактабларда соғлом болалар билан биргаликда ўқишмоқда.



2020–2025 йилларда ҳақ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепциясида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилаш бўйича долзарб вазифалар белгиланди. Жумладан, бу тоифадаги болалар таълим олаётган муассасалар биноларига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди, бундай болалар ўқитиладиган мактаблар зарур адабиётлар, методик қўлланмалар, турли касбларга ўқитиш учун ускуна ва жиҳозлар билан таъминлашга қаратилган чора-тад-дирлар амалга оширилди. Алоҳида таълим эҳти-ёжлари бўлган болаларни ўқитиш учун инклюзив таълим тизимини ташкил этиш, умумтаълим муас-сасаларини махсус мосламалар хусусан, кўтариш қурилмаси, пандус, тутқич ва бошқа жиҳозлар, шунингдек махсус педагоглар, болаларни руҳий-пе-дагогик кузатиш бўйича мутахассислар билан таъ-минлаш йўлга қўйилди.

● **Инклюзив таълим**

ҲАР ТАРБИЯЛАНУВЧИ АЛОҲИДА ЭЪТИБОРДА

Оқдарё туманидаги алоҳида таълим эҳтиёж-лари эга бўлган ақли заиф болалар учун махсус 63-сонли мактаб-интернати халқимиз учун 1963 йилдан буён хизмат қилиб келади. Айни пайтда бу даргоҳда 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган 300 нафар болалар даволаниб, тахсил олиб келадилар. Улар-га 56 нафар ўқитувчи, 56 нафар тарбиячи ва 50 нафарга яқин ишчи-ходимлар хизмат қилиб кел-ладилар.



Мақтаб-интернатимизда болаларнинг тиқувчилик, дурадгорлик, чилангарлик, сартарошлик ва пазан-дачилик сингари касб ва хунарларни эгаллашлари учун барча имкониятлар етарли. Бундай касблар ўқувчиларимизнинг ҳаётида, уларнинг кундалик тур-мушга мослашиб, оила шароитида яшаб кетиши учун имкон яратаяди. Бу сингари касбларни ўргатишда

устозларимиз Дилдора Латипова, Нафиса Қорабо-ева, Фазалийдин Муродқосимов, тарбиячилар За-мира Теймурова, Мушарраф Қорабобоева, Хилола Ахророва ва Озод Абдурасуловларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Республикадаги барча худудидан тўплаган бо-лаларга инклюзив таълим берилаётгани учун биз-нинг мактаб-интернатимиз доим жамоатчилигининг диққат-эътиборида бўлиб келади. Болаларнинг аҳолидан ота-оналар хабардор бўлишида, шунинг-дек, кўпчилик ташкилот ва корхоналар биз билан ҳамийлик бора-сида ҳамкорлик қилиб келадилар. Ҳомийларимизнинг моддий қўмақлари билан хар гаги байрамларимиз яхши ташкил қилинади. Бо-лажонларга тўкин дастурхон эзилди, даврага санъ-аторлар таъриф буюрадидлар.

Мақтаб-интернатда олиб борилаётган меҳрибон-лик тадбирлари, айниқса, инклюзив таълим дара-жасини мамлакатимиз ижтимоий давлат деб эълон қилинганидан кейин янада юқори савияга кўтариши жамоамизнинг болаларга таълим бериётган ҳамда уларни парвартиш қилаётган ҳар бир ходим учун асосий вазифа сифатида белгиланган берилди.



Хурматли Аитов Юрий ГЕОРГИЕВИЧ!



Сизни шуқуруна кун-нингиз билан самими-ий муборакбод эта-миз.

Мамлакатимизда сизнинг шоғирдла-рингиз жуда кўп. Сиз узоқ йиллар ёшларга бош бўлиб, уларга касб-хунар ўргатиб келдингиз. Шунинг учун ҳам "Ўзбекистон Республикасида хиз-мат қўрсатган ёшлар мураббийси" унвонига сазовор бўлдингиз.

Кейинги йилларда ижтимоий ҳимоя соҳа-сида сидқидилдан хизмат кўрсатиб келмоқ-дасиз. Ўзбекистон Ногиронлар ассоциация-си раисининг ўринбосари сифатида меҳри-бонлик тадбирларингиз, ҳуқуқий маслаҳат-ларингиз ва савобли ишларингиз билан ногиронлиги бўлган инсонларни хар томон-лама қўллаб-қувватлаб келмоқдасиз.

Сизни яна бир бор тугилган кунингиз бил-лан чин юракдан табриклаб, Сизга узоқ умр, мустиҳкам саломатлик ва меҳр-мурувват бо-расидаги ишларингизга муваффақиятлар тил-лаймиз.

Хамкасб ва шоғирдларингиз.

Хурматли Абдураҳмонов Фарход ПАТТОХОВИЧ!



Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин дилдан табрик-лаймиз.

Хар йили дўстла-рга садоқатли, барча ҳамюртлари ҳамма-халлаларга меҳрибон бўлган Сизни баҳор-нинг илк кунларидан муборакбод этиш ва фараҳли дамларингиз билан кутлаш барча яқинларингиз учун орзи-қиб кутилмаган дамлар бўлиб қолган.

Сиз салкам 40 йилдан буён мамлакатимиз-нинг ижтимоий ҳимоя соҳасида кунт ва сабот билан ишлаб келмоқдасиз. Азиз умрингиз-нинг хар босқичларида қанчалаб ногиронли-ги бўлган инсонларнинг огирини энгил қил-дингиз, муаммоларини ҳал этдингиз, кўпчи-ликнинг тиббий амалиётлари муваффақият-ли ўтказиб, соғайиб кетиши учун ҳомийларни ишга солиб бўлса ҳам моддий имконият яра-тиб бердингиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон Ногиронлар асо-циацияси раисининг биринчи ўринбосари сифатида мамлакатимизда ижтимоий давлат тамойилларини барқарор этиш борасида халқимиз манфаатлари учун гайрат билан иш-лаб келмоқдасиз.

Сизга узоқ умр, амалга ошираётган савоб-ли ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Хамкасбларингиз.

ВИТАМИНГА БОЙ МАҲСУЛОТЛАР

Ҳар баҳор табиқатдаги витаминга бой маҳсулотлар ҳақида билаётган бўлиш мумкин. Уни ҳар қандай салат, таомлар ва иссик егу-ликларга қўшиш мумкин.

унинг янгилирини март ойлариданоқ топиш мум-кин. Уни хар қандай салат, таомлар ва иссик егу-ликларга қўшиш мумкин.



РЕДИСКА
Дўкон расталарида янги редиска таркибида С, РР витамин ва минераллар, шу жумладан, темир, натрий, фосфор, калий ва кальций кўп бўлган-лиги сабабли организмда ви-тамин етишмаслиги билан яхши курашади. Шу билан бир-гача, редисканинг калория миқдори жуда кам бўлиб, махсулотнинг 100 граммда атиги 20 калория ма-вжуд.

ПОМИДОР
Албатта, помидор фақатгина баҳорий маҳсулот эмас. Уни хар қайси фаслда ҳам топиш мум-кин. Кишининг соғуқ кунларидан кейин янги помидорлар истеъ-молад қилиш ҳам мазали, ҳам фойдалидир. Унинг таркиби ви-таминларга бой бўлиб, салат, сабзавотли егулик-лар билан ёки ўзини тановул қилиш тавсия этилади.

КҲК ПИЁЗ
Кўк пиёз одатдаги пиёзга караганда ўзгача таъмига эга. Шунинг учун ҳам кўпчилик уни севиб истеъмолад қилади. Кўк пиёзнинг хар қандай таом ва салат билан биргаликда истеъ-молад қилиш мумкин. У калий, фосфор ва В1, В2 ва С витаминларига бой.

Баҳор фасли кириб келиши билан илик об-ҳаво ҳамда қуёшли кунлар билан бира-га, организмда витамин етишмовчилиги жараёни ҳам бошлаяпти. Бунинг ажбон-ларли жойи йўқ, чунки қуёшнинг ма-всумда истеъмолад қилинган мева ва са-бзавотлар туйғайли организм бироз куч-сизланади. Бунга эса янги мавсумнинг сархил ва витаминларга бой махсулот-лари ёрдам бериши мумкин.

САРСАБИЛ
Гарчи йил давомида дўкон-лардан ушиб маҳсулотни топиш қийин бўлмаса-да, уни кўпроқ баҳорда истеъмолад қилиш тавсия этилади. Сарсабил таркибида калория миқдори паст, аммо фойдали модда ва элементлар-

ИСМАЛОҚ
Исмалоқни барча соғлом турмуш тарафдорлари узоқ вақтдан бери истеъмолад қилиб келаяпти. Сабаби ушбу маҳсулот кўплаб витаминларга – А, Е, К ва С, шунингдек, фоллий кисло-таси, темир ва бошқа микроэле-ментларга бой. Исмалоқ баҳор мавсумининг энг биринчи хабарчиларидан бўлиб,

Дўкон расталарида янги редиска таркибида С, РР витамин ва минераллар, шу жумладан, темир, натрий, фосфор, калий ва кальций кўп бўлган-лиги сабабли организмда ви-тамин етишмаслиги билан яхши курашади. Шу билан бир-гача, редисканинг калория миқдори жуда кам бўлиб, махсулотнинг 100 граммда атиги 20 калория ма-вжуд.

● **Фойдали маслаҳатлар**

БАҲОР ФАСЛИДА

Хар биримиз кишининг соғуқ кунларидан сўнг келадиган баҳор фаслини интиқлик билан кутамиз. Фасллар келинчаги баҳор қалбимизга илиқлик олиб келиши билан бирага танамизда сезиларли нонух ҳолатларни ҳам юзага келтиради.

Кўпчилик одамлар тез қарчаш, иштаҳа йўқоли-ши, уйқучанлик, теридаги ўзгаришлар (тери рангин-нинг ўзгариши, дағаллашиши, қуриши)дан нолий бошлайдилар. Бу ерда иккита омили ўзаро таъсирга ки-ришади: бир томондан, ультрафиолет нурларига бой баҳор офтоби моддалар алмашинувини кучай-тиради, бу ўз навбатида организмнинг витаминларга эҳтиёжини оширади.

Бирга организмни фойдали озуқа билан таъмин-лайди.

Баҳор мавсумида инсонга куч-қувват бахш этув-чи таомлар зарурлигини халқимиз яхши билади. Организмга қувват бағишлошни оқсиллар, ёғлар, карбон сувлар, минерал моддалар, дармондорил-ларга бой, ҳамма севиб истеъмолад қилмаган та-омлар ва ҳалим шифобахшир. Шунинг учун бу та-омлардан илоҳи борица кўпроқ тановул қилиши-нигизни тавсия этишимиз.



БАҲОР ТАОМЛАРИ

ИСМАЛОҚ
Исмалоқ, ялпиз, отқулоқ, жағ-жағ, беда, кўк пиёз ва зираворлар қўшиб пиширилган таомлар баҳор мавсумида роҳатланиб ёйилишидан қатъий назар танангизни ҳам керакли моддаларга тўлдирари ва организмни хилтлардан тозалайди. Хитой ва Ҳимо-лай тоғларида яшовчи аҳолининг узоқ умр кўриши боисини аниқлаган олимлар шу одамларнинг ов-қат рациони (таомномаси)ни текширишганда улар донли, дуккакли маҳсулотларни табиий ҳолда, ун-дириб кўп истеъмолад қилишлари маълум бўлди. Шуниси эътиборга лойиқки, киши мавсумдаёқ улар баҳорги мавсумга тайёрларик кўришган. Яъни, буғдой, арпа, сули, ловия, нўхат, соя, тарих, мош каби донли маҳсулотлар, уруғларни ўстириб (ниш) майсаларидан турли хилдаги салатлар, суюқ овқат-лар тайёрлаб истеъмолад қилганлар. Шу сабабли улар ўз организмларини турли ил дармондорилар билан озиклантирганлар ва авлодларига ҳам овқат-

СУМАЛАК
Сумалак кўкчамини шифобахш аянавий таоми бўлиб, у қонни тозалайди, жисмонан тетиклаштириб, куч-қувватни оширади. Немис олимлари буғдойга токоферол моддаси бол-лигини аниқлашган ва у женшень таркибида учрайдиган Е витаминининг ўзгинаси эканини исботлашган. Олимлар таъкидлашчица, сумалак гипертония, гепатит, буйрак, меъда-ичак хасталикларига яхши даво бўлиб, қон тарки-бини яхшилаб, меъда-ичак фаолиятини мейёр-га келтиради, асабни тинчлантиради, яхши ухлатади. Сахарлик дастурхонида сумалак бўлиши кун давомида инсонни тўқ туттади ва керакли витаминлар билан тўйинтиради.

ХАЛИМ
Ҳалим тайёрлашда буғдой, гўшт, ўсимлик мойи ишлатилгани сабабли бу таом оқсилга жуда бой. Оқсил эса инсон организмидан «қурилиш материали» вазифасини бажаради.

У организмнинг касалликларга қарши курашиш қобилиятини оширади. Халқ таъбаотида ҳалим таркибидаги экстрактив моддалар меъда-ичак, марказий асаб тизими, мия, юрак фа-олиятини яхшилашга ёрдам бериши исботлан-ган. Бу таом ҳам албатта, сахарлик дастурхо-нига тавсия этилади. Ифторликда ҳалимин им-кон қадар истеъмолад қилмаслик лозим, саба-би, у секин ҳазм бўлади.

ГҲЖА
Гўжа оши жуда тўйимли, инсонга куч-қув-ват бағишлашда женшень ва сумалакдан кейинги ўринда туради. Уни асосан баҳор фаслида қувват бўлиши учун истеъмолад қи-лашади. Азалдан халқ ўртасида йиғилган эҳсон – кўй, мол гўшларни, буғдой, арпа, жўхори, нўхат, ловия, мош катта қозонларда паст оловда милтиллатиб пиширилади. Суюқ таом сифатида ифторлик дастурхонига тортиш мумкин.

ҲАНГОМА

Ишдан қайтган эр овқатланишга ўтирсая, хотини сўрабди:
- Пайпогингизни алмаштирмадингизми?
- Алмаштирадим, - дебди эри.
- Ишдан кийиб келган пайпоқини ечин! - дебди яна хотини.
- Ечганман хотин, - деса, хотини:
- Унда нега бунақа хид келяпти? - дебди. Эри:
- Шунақа қилишигизни билиб, ечган пайпогини чўнтагига солиб олган эдим, кўрсатман деб, мана, - дермиш эри.

Уйда таъмирлаш ишларини олиб бораётган қўшнимдан безор бўлдим. Дрель ишлатмаслиги учун эшигини олдидаги деворга «Қўшни, хабарингиз бўлсин! Мен ҳомилдорман» деб ёзиб қўйдим. Эртаси кўни қўшнимни хотини уни хиёнатда айб-лаб, уйдан кетиб қолди.

Аваллари телевизиорни ёқиш учун катталарни қариш керак эди.
Хозир телефони ишлатиш учун болаларни ча-қариш керак.



Биз баҳорда мева ва сабзавотларни куздагига караганда анча кам истеъмолад қиламиз. Қўкчамда махсулотлардаги витаминлар ҳам, куз фаслидаги-га караганда камроқ бўлади. Шунинг учун баҳорда одам ўзида юқоридаги таъкидланган ҳолатларни бошидан кечирилади. Шунга қарамай, баҳорда дори-хоналарга боришга шошилмай турганингиз маълум деб, қуйдаги маслаҳатларга амал қилишигизни тавсия этишимиз.



ланиш инсон саломатлигини сақлашда муҳим омили эканлигини ёшлигидан онгига синдириб борган-лар. Шу аснода, буғдой ва арпанинг энди ниш ур-ган майсаларни мия ва юрак фаолиятини меъёр-лаштириши, тери ва сочица қабувват қилиб, қариш жараёнини секинлаштириши аниқланган.

Биринчи апрель тонгида яқинда Самар-қандга, дўстлари топиб берган ижара уйга кўчиб келган ҳамкасбимга телефон қилдим. Жавоб бўлмади.

Биринчи апрель тонгида яқинда Самар-қандга, дўстлари топиб берган ижара уйга кўчиб келган ҳамкасбимга телефон қилдим. Жавоб бўлмади.

Бу фаслда организмнинг витаминларга бўлган эҳтиёжини табиат берган неъматлардан оқилона фойдаланиш орқали тўлдирришга ҳаракат қилинг.

Сервитами таомлар, дармондориларга бой озик-овқат маҳсулотлардан истеъмолад қилишни канда қилманг. Мева қўқиларидан тайёрланган шарбат-ларни кўпроқ истеъмолад қилинг. Шарбатлар ниҳоят-да фойдали бўлиб, таркибида организм учун зарур бўлган минерал тузалар, пектин моддалар, клетчат-ка ҳамда витаминларга бой қимматли маҳсулот ҳисобланади. Шарбатлардан ўрик, олма, олқўри, помидор, узум, сабзи шарбатлари таркибида темир, калий, Р.С дармондорилари маъжуд бўлиб, хар кунлик овқат истеъмолингизга киритсангиз фойда-дан хили бўлмайди.



Хозирги кунда қора қарағат (смородина) шарба-ти ҳам истеъмолад қилинган. 100 грамм қорақа-рағат шарбаотида 90 мг. гача дармондори, витамин С мавжуд бўлади, бу катта ёшли одамнинг шу ви-таминга бўлган кунлик эҳтиёжини тўла қондиради.

Шуни унутмангки, шарбат энгил ҳазм бўлади-ган, фойдали ичимликдир. Уй шароитида тайёрлан-ган шарбатларда меваларнинг эти қанчалик кўп бўлса, унда фойдали моддалар шунчалик кўп бўла-ди. Шунинг учун болаларга шарбатларни ўзингиз тайёрлаб берганингиз маълум. Мева ва сабзавот-ларни ҳомлигига ёйишни тавсия этишимиз.

Сабзавотлар ва кўкталлар (қарам, лавлага, кар-тошка, кўк салат, кўк нўхат, кўк пиёз, редиска) қўшиб тайёрланган салатлар иштахангизни очиш билан

«Бежизга пул кеткизгиси келмади», дея ўйладим. (Чунки у пайтларда «сотка»ларда қиришу чикиш қўнғироқлари пуллик эди).

БИРИНЧИ АПРЕЛЬ ҲАЗИЛИ

Ҳикоя

Ишончага келдим. Бир неча дўстлар билан телефон орқали суҳбатлашдим. Кўнги-роғимга жавоб бермаган ҳамкасбни изла-дим. Хар кун сахарлаб ишга келадиган бу йигит негадир ишда йўқ эди.

Менда у билан ҳазиллашиш қайфияти ошаверди ва шу ниҳятда иш телефони-дан унинг рақамларини тердим.

Бир неча қақирувдан сўнг «Алло», деган овоз эшитилди, ниҳоят.

«Ҳап, кўлға тушдингми?», хаёлимдан ўтган фикр шу бўлди.

- Қаердасиз, сўрадим салом-алиқдан сўнг.

- Иштихонга кетаяпман, тузилган шартно-малар бўйича тахририятга пул туширишим ке-рак, - деди у.

Мен эса унга бугун вилеят ҳокими муҳ-бирлар билан матбуот анжумани ўтказиши-ни айтдим.

У шошиб қолди.

- Қачон, қаерда, биринчи саволи шу бўлди. Аввалга мен 9 да дедим.

- Хозир 9 дан ўтди-ку, Сиз бормадингиз-ми, - деди у.

Ўлгон гапирмаган одам кичик ҳазилни ҳам эппайолмас экан-да, дея ўйладим-у, дарров ўзимни «иғналб» олдим.

- Эй, олдин 9 дейишганди, кейин 11 00 га дейишди, - дедим.

- Мен нимая қилай, келайми, йўқми, - деди у.

- Иктиёрингиз, хар ҳолда мустақилсиз-ку, аммо биласиз, вилеят ҳокими янги иш бош-лаган. Барча муҳбирлар ҳам бўлишса-ю, биргина Сиз кўринмай қолсангиз, қандай бўларикин?

Билардимки, бу сўзларим аниқ нишонга бориб тегади.

Шундай бўлди, ҳам.

- Мен тезда қайтаман, - жавоб келди ун-дан.

Хуллас, ўша кун эрталаб кўнғирогимга жа-воб бермаган суюкли ҳамкасбим икки соат оралигидан қимматбахо «сотка»сидан менга уч бора телефон қилди. Бирида Иштихонга етиб келгани, раҳбарлардан бирор кишини учратолмагани, зудлик билан ортага қайти-шини айтди. Иккинчисида, тақсида келаят-гани, Оқдарёнинг «Оқдарё» жўжалигидан ўтаётганини ва ниҳоят учинчисида Самар-қандга етиб келганини маълум қилди.

Хонамга шахд билан кириб келганида мен иш билан банд эдим.

У эса, «Соат 11 дан ошиб кетди-ку «пресс-конференция»га бормаимиз-ми, деди шо-шилди.

Мен ва ёнимдаги бир неча ҳамкасблар ба-раварига қулиб юбордик.

Улардан бири «Бугун 1 апрел-ку, бунча содда бўлмасангиз» деб бу гапнинг ҳазил эканлигини эслатди.

У эса қизарди, бўзарди, дудукланиб ни-малардир деди.

Хонада эса ҳамон кулгу давом этарди.

Шу алфозда «1 апрель қурбони» изза бўлган ҳолда хонадан қийиб кетди. Шу кет-ганича анча вақтгача ҳамкасблар кўзига қўйинмади. Мен билан хафта-ўн кунлар гап-лашмай қўйди, кўнғироқларимга эса жавоб бермади.

Ва ниҳоят, кунлардан бир кун ёрилди:

- Ҳаммаси майли-куя, аммо эсиэ вақт, сарфланган мабғал, Иштихон яқинроқ бўлсайди, ўйламасдим ҳам. Нақд 50 кило-метрлик йўл. Қайтиши билан 100 километр. Шунча массафага бекордан бекорга бориб-келганим ҳалигача алам қилади-да.

Абдурасул САТТОРОВ.

IMKONIYAT
IJTIMOII-SIYOSII, HUQUQII VA MADANIY GAZETA
Муассис:
Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси

Бош мухаррир
Узукжамол НАЗАРОВА

Тахрир хайъати:
Адхам Икромов, Озодбек Назарбеков, Акмал Саидов, Ойбек Исокков, Жамшид Обруёв, Светлана Ортикова, Камоллидин Ишанхўжаев, Усмон Азим, Рашид Раупов, Тўрақўжа Эрхўжаев.

2023 йил 19 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси хузуридаги ахборот ва коммуникациялар агентлигига 132096-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 275.
Ҳажми — 3 босма тобук.
Қоғоз бичими — А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“Imkoniyat”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланмиш мумкин.

Манзиласи: 100027. Тошкент шаҳар, Фуркат кўчаси 1-уй. Телефон: (94) 653-47-70. (94) 601-59-57. Буюртма Қ-309. Адади 700.